Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 16 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 91 (7494)

ХОРАЗМ САРИ БИР ҚАДАМ

Соғлом авлод ҳар бир жамиятнинг орзуси, бош мақсади саналади. Унга эришиш учун бугун мамлакатимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги қарори фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, таълим тизимида йўлга қўйилган мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод", олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақалари ҳам бугун Ўзбекистон фарзандларининг жисмонан соғлом бўлиб ривожланишларига хизмат қилмоқда.

Кеча янги ўқув йилининг илк таътилидан сўнг мактаб ўқувчиларининг иккинчи чорак ўқишлари бошланди. Уларнинг кузги таътилларини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг иккинчи босқич мусобақалари айнан шу даврда ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида мусобақаларнинг биринчи босқич якунлари бўйича 306 та мактабдан жами 367376 нафар ўқувчилар иштирок этган эдилар. Бу эса деярли барча мактаб ўқувчиларининг ушбу мусобақалар орқали спортга қамраб олинганлигидан дарак беради. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов, Бектемир, Юнусобод туманларида ҳам 1-4-синфлар учун финал мусобақаларининг туман босқичи муваффақиятли якунланиб, ғолибларга келгуси босқич беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Жумладан, Собир Раҳимов туманида мусобақалар Талабалар шаҳарчасида жойлашган "Истиқлол" стадионида бўлиб ўтди. Спортнинг бешта тури бўйича ўтказилган мазкур мусобақаларда мини футбол тури бўйича 170 нафар ўқувчилар иштирок этишиб, биринчи ўринни 134-мактаб терма жамоаси, иккинчи ўринни 234-мактаб жамоаси, учинчи ўринни 133-мактаб жамоалари эгалладилар. Шунингдек, "Тўп сардорга" ҳаракатли ўйинида эса 170 нафар ўқувчи иштирок этиб, ғолибликни 242-мактаб ўқувчилари эгаллашди. 233-, 15-мактаб жамоалари иккинчи, учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Айниқса, шахмат-шашка мусобақалари қизғин беллашувларга бой бўлди. Спортнинг ушбу турлари бўйича 204 нафар ўқувчи иштирок этиб, ўсмирлардан Ф. Абдурахмонов, К. Набижоновлар(46-мактаб), қизлардан И. Исамуратова, Д. Ғойиповалар (46-мактаб) пешқадамлик қилиб, биринчиликни эгалладилар.

Бектемир туманидаги "Умид ниҳоллари" иштирокчилари ҳам С. Раҳимов туманидаги тенгдошларидан асло қолишмадилар. Тумандаги бешта мактаб ва иккита боғча-мактаблар ўртасида бўлиб ўтган беллашувлар жуда юқори кайфиятда бўлиб ўтди. Спортнинг барча турлари бўйича умумий натижалардан шуни кўрамизки 289-, 290-, 291-мактабларнинг ўқувчилари туман миқёсида юқори натижаларга эришдилар ва ўз рейтингларини кўтариб олдилар. Ушбу спорт мусобақаларининг ўтказилиши спорт мураббийларидан ҳам катта тайёргарлик талаб этади. Чунки, уларни ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўриш спорт майдончаларини тайёрлаш каби ташкилий ишлар ҳам уларнинг зиммасига юклатилади.

Юнусобод тумани мактабларида "Умид ниҳоллари" мусобақалари 327-мактаб стадионида бўлиб ўтди. Шахмат бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувларида 117-мактабдан Ҳ. Собиржонов, қизлар ўртасидаги беллашувларда эса 217-мактабдан У.Миржалилова ғолибликни қўлга киритишди. Шашка бўйича ўсмирлар ўртасида 274-мактабдан Ҳ. Жамолов, қизлардан 51-мактаб ўқувчиси К.Каримова биринчиликни қўлга киритдилар.

Умумий натижалар бўйича тумандаги 246,21, 247, 86,273, 260-мактаб ўқувчилари юқори ўринларга даъвогарлик қилмоқдалар.

Келажакда мамлакатимизнинг спортини жаҳонга олиб чиқишга ҳаракат қилаётган бугунги иштирокчилар кейинги босқичларда ҳам фаол иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Кейинги йил кўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразм вилоятида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг республика босқичи кўплаб спортчиларни ва янги-янги иқтидорлиларни кашф этади деган умиддамиз.

Назокат ХОЛМЕТОВА
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ВАТАНИНИНГ БИР БЎЛАГИ
2-бет

МАТЕРИЯНИНГ АСОСИЙ ХОССАСИ НИМА?
3-бет

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ НИМА?
4-бет

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУКУМАТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШЛАРИ КЕРАК
5-бет

ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК, ЗИЁ УЛАШАЁТГАНЛАР
6-бет

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР
7-бет

ИШЛАЁТГАН ТАЛАБА
ўзининг моддий эҳтиёжларини қоплай олади. Бироқ...
8-9-betlar

МАКТАБГА ҚАЙТИНГ, ЭРКАКЛАР!
12-бет

ТВ ДАСТУРЛАР
14-бет

Мурғаккина фарзандимиз ҳам мультфильм ёки эртак—саргузаштни томоша қилаётганида икки қилич кесишганининг ёки бош суягининг тасвири туширилган қора байроқни кўргудек бўлса, ана, қароқчилар, дея нафратини яшира олмайди.

O'zbekiston Respublikasining Davlat bayrog'i qabul qilinganligiga 11 yil to'ldi

ВАТАННИНГ БИР БЎЛАГИ

Давлат байроғи ҳамма замонларда, ҳамма маконларда муқаддас бўлиб келган. Ҳар бир давлат ўз олий мақсадини ифодалаш учун байроққа хос белгилар, ранглар қабул қилиши барчага маълум. Шу ўринда тарихда ороллар-нинг "бошини бириктириб" Японияни бирлаштирган князь Такэдонинг бош саркардаси Ямамота Канскийнинг мана бу айтганларини келтириш жоиз. У:

— Князь, сизнинг байроғингизда шамол, ўрмон, тоғлар ва қуёш аксини кўраяпман. Мен булардан шамолдек учқур, ўрмондек сокин, тоғлардек буюк, қуёшдек қудратли деган маъноларни англаяпман. Шубҳасиз, давлатингиз худди ана шу таърифларга мос ва хос бўлажак, — дея таъбир этади.

Яна бир гап. У эзгу жамиятми, ёхуд аксинча, ёвуз жамиятми бу — байроқда ўз аксини топади. Олайлик, мурғаккина фарзандимиз ҳам мультфильм ёки эртак—саргузаштни томоша қилаётганида икки қилич кесишганининг ёки бош суягининг тасвири туширилган қора байроқни кўргудек бўлса, ана, қароқчилар, дея нафратини яшира олмайди. Аксинча, юртимизнинг ёрқин юлдузли, ойдин ойли, чароғон рангли байроғига кўзи тушганда эса ичичидан меҳрли ҳаяжонни беихтиёр табассум ила юзага чиқаради. Демак, шу мурғаклар ҳам байроқ залворини ҳис қилишади.

Айнан бу борада фикр юритганимизда: "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим!" деган хитоби билан мўғуллардан Хоразмни озод қилишга отланган шайх Нажмиддин Кубронинг қай тарзда қахрамонона шаҳид бўлганлигини ёдга олмасликнинг иложи йўқ. Кафтида Ватаннинг шонини маҳкам тутиб, жон таслим қилган Кубронинг қўл панжалари дафн пайтида ҳам очилмайди. У боқий дунёга ҳам бир парча Ватан бўлаги билан кетди.

Байроқнинг юксак қадри, чексиз қудратини исботлаш учун бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Дунё тан олган спортчиларимизнинг байроғимизга тиз чўкиб, юз-кўзларига суртганича мусобақаларда ғалаба қозонаётганлиги ва албатта, байроғимизнинг халқаро шоҳсупаларда ҳилпираётганлиги, БМТга аъзо давлатлар байроқлари қаторида Нью-Йоркда мағрур кўтарилиши бизга ғурур бахш этади.

Ўн бир йилдирки, тан олинган, танилган туғромиз ҳар қадамда ҳамроҳ бўлиб, мақсадларимизга эш тарзда ҳилпираяпти. Қандай бахтки юртимиз юксак тараққиёт сари ўз байроғи ила ҳаракат қилмоқда.

Насиба ЭРХОНОВА,
Қундузхон РОЗИМОВА

Tadbir

МУРАББИЙЛИК БАХТИ

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида ушбу даргоҳнинг салоҳиятли ўқитувчиларидан бири, журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири, Республикада хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийи, доцент Бойбўта Дўстқораевнинг 60 йиллик юбилейи нишонланди.

— Устоз ёшларимизнинг энг ардоқли ва энг севимли мураббийларидан, — деди анжуманни очар экан, университет ректори, профессор Ғ. Шоумаров. — У кишининг педагогик фаолиятига 40 йил тўлган бўлса, амалга оширилган илмий, тадқиқот ишлар ҳажми ва салмоғи ундан улканроқдир.

Анжуманда Олий Мажлис қўмитаси раиси Н.Жўраев устоз босиб ўтган илмий-педагогик фаолиятини ёшларимиз учун юксак намуна деб атади.

АҚШнинг Нордистерн университети профессори Н.Данилофф эса Б.Дўстқораевдек устозлар университетнинг бойлигидир, дея таърифлади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, "Туркистон" газетаси бош муҳаррири Салим Ашуров, "Хуррият" газетаси бош муҳаррири Амирқул Каримов, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани Қудрат Эрназаровлар эса домланинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ўз илиқ таассуротларини билдиришди.

Раъно МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Ko'rik-tanlov

Куни кеча пойтахтимиздаги Тошкент қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг "Энг иқтидорли мутахассис" республика кўрик-танлови ўз ишини бошлади.

Дастлаб меҳмонларга коллеж фойеси ва спорт залида ташкил этилган кўрик-танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари, улар томонидан яратилган ихтиролар, тайёрланган макетлару ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Сўнг мажлислар залида тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов кириш сўзи билан очиб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг II сифат босқичини амалга ошириш жараёнида мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти катталигига алоҳида тўхталди. Тадбирда ТТЕСИ ректори, профессор Ҳ.Алимова, академик Н.Тўраев, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси масъул ходими Т.Эминов, ТДТУ ректори, профессор Қ.Аллаев, Ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллаевлар ҳам сўзга чиқишиб, қатнашчиларнинг барчасига омадлар тилади.

Икки кун давом этаётган иқтидорлилар танловида мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-талабалари "Саноат ва транспорт", "Енгил саноат", "Алоқа", "Маданият ва санъат" йўналишлари бўйича шўъбаларда ўз истеъдодларини намойиш этишаяпти. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари ҳимоясини машҳур олимлар, академиклар, йирик саноат ва ишлаб чиқариш бирлашмалари етакчи мутахассисларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари баҳоламоқдалар.

"Энг иқтидорли мутахассис" республика кўрик-танлови тафсилотлари ва якунлари хусусидаги мақола билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma`rifat" мухбири

Ixtisoslashgan maktablar hayotidan

ИҚТИДОРЛИЛАРГА ЭЪТИБОР

МАКТАБ ҲОМИЙСИНИНГ ҲИММАТИ

Косон туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослашган лицей-интернат мактаби 1993 йилнинг октябрь ойида ташкил этилганди. Янги мактаб, яна бунинг устига номи улуғ — "Ихтисослашган мактаб". Бироқ, ҳар сонияда маблағларга муҳтожлик сезилаверади, денг. Ҳали бўр керак, ҳали оҳак... Жамоа аъзолари озмикўпми, ишқилиб қўшимча маблағ топиш устида ўйлаб қолдилар.

"Излаган имкон топади". Янги турдаги мактаб қошида "Азамат" номи билан аталувчи ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Корхонада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, миллий ҳунармандчилик, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари очилди. Корхона шартнома асосида мактабдан хона ва жиҳозлар, хўжаликлардан ер майдонлари олди. 20-25 киши доимий, 60-70 киши эса мавсумий иш ўрнига эга бўлишди. Ишлар фақат қонуний шартномалар асосида амалга оширила бошлади. Шартномага асосан корхона йиллик даромадидан 10 фоизини ихтисослашган мактабга ва яна 10 фоизини ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялашга ажратиб келаётир.

Шундай қилиб, "Азамат" ишлаб чиқариш корхонаси ҳозирга қадар мазкур мактабга, ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоялашга 6 млн. 982 минг 800 сўмлик миқдорда ёрдам кўрсатди.

ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАСИ

Ихтисослашган мактаб 524 ўқувчи ўрнига эга бўлган 3 қаватли замонавий бино ва ўзига етарли моддий базага эга. 20 та фан хоналари, жумладан 2 та лингафон, 3 та компьютер хоналари, 280 ўринли ошхона, 280 ўринли мажлислар зали, 120 ўринли ётоқхона, маърифат ва маънавият хонаси, спорт зали, кутубхона ва қироатхона барча-барчаси бекаму кўст жиҳозланган.

Унда 300 нафардан ошиқ ўқувчи математика, физика, кимё-биология ва инглиз тилларини чуқурлаштирилган режалар асосида ўрганмоқдалар. Уларга 2 нафар фан номзодлари ва яна 20 нафар олий тоифали, 12 нафар биринчи тоифали иқтидорли муаллимлар дарс беришаётир.

— Натижалардан гапиринг? — деймиз лицей-интернат мактаб директори Зайнаб Дўстёровага.

— Саволингизга лўнда қилиб жавоб берсам, — дейди Зайнаб опа. — Шу кунгача мактабимизни 703 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 634 нафари талаба бўлишди. Шулардан 281 нафари олий маълумот олиб, айни кунда ўз соҳалари бўйича фаол ишлашаяпти...

Биз ихтисослашган мактабда бўлган кунимиз қатор ижобий ишларнинг гувоҳи бўлдик. Улардан бири ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришидир. Мана 4 йилдирки, мактабда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан маъқулланган режавий тадбир асосида ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришга ўтганлар.

— Ушбу бошқарув аппарати асосий 9 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатаяпти, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари М.Жўраев. — Улар ўзига хос рамзий номларга эга: Президент аппарати, Халқ таълими вазирлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулотда ҳолат вазирлиги, Қизлар кенгаши.

Сўраб-суриштирдик. Ҳар бир йўналиш бўйича 7 нафардан жами 63 нафар ўқувчи "бошқарув аппарати"ни бошқараяпти.

— Ўтган ўқув йилида ўқувчилар ўз-ўзини "бошқариш аппарати" барча синфларда ўқувчиларга "аноним анкета"лар тарқатиб, ўқувчиларимизнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганишди, — дейди Зайнаб Дўстёрова. — Қайси муаллимнинг дарс бериши ўқувчиларга маъқул? Қайси муаллимнинг дарсларидан ўқувчилар мамнун эмас? Яна қандай тўгараклар ишлаши керак? Қандай мушоира ва тематик кечалар ўтказган маъқул? Мактаб раҳбарлари қайси соҳаларга эътибор қаратишмаяпти?... Ишонаверинг, жуда кўплаб камчиликларимизга жавобларни ўша анкеталарга берилган жавоблар орқали билиб олдик. "Аноним анкета"лар натижалари асосида ўқитувчилар йиғилишини, ота-оналар йиғилишини ўтказдик. Ана шу натижалар асосида 20 соатлик очиқ дарслар ва яна 25 соатлик назорат дарсларини ташкил этдик.

Ҳа, биз фаолиятини ўрганган "Каштачи қизлар", "Бичиш ва тикиш" ҳамда "Миллий кураш" тўгараклари ҳам ўқувчиларнинг таклифларига биноан ташкил этилган экан.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

МУЛЬТИПЛИКАТОРЛИК СЕРТИФИКАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎМКҲТРИнинг малака ошириш факультетида махсус тайёргарликдан ўтган бир гуруҳ ўқитувчиларга жаҳон андозасидаги мультипликаторлик сертификатларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Германия техникавий ҳамкорлик жамияти раҳбари Йорганн Купфер ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Ж.Ҳусановлар иштирок этишди.

Касб-ҳунар коллежлари махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малака оширишини мазмун ва сифат жиҳатидан янада такомиллаштириш мақсадида Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда таъсис этилган "Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш" ўзбек-герман лойиҳасининг ташаббуси билан "Терроризмга қарши" дастури асосида жорий йилнинг 23 сентябридан 8 ноябригача олий ўқув юртлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ва ЎМКҲТРИ профессор-ўқитувчиларидан мультипликаторлар тайёрланди. "Замонавий касб-ҳунар таълими педагогикаси" соҳаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган бу мультипликаторларга Германиянинг IBC ташкилоти экспертлари Михаэль Шрам, Клаус Гюнтер Шёрнихлар раҳбарлик қилдилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мультипликаторлар тайёрлаш жараёни 2 босқичдан иборат бўлиб, бунга Германия техникавий ҳамкорлик жамияти 300 минг евро ажратди.

Мультипликаторларни тайёрлашнинг иккинчи босқичи 2003 йилнинг 20 январидан 14 февралигача бўлиб ўтади ва бу жараён ЎМКҲТРИда ҳар бири 20 нафардан уч гуруҳда, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида икки гуруҳда, Наманган муҳандислик-педагогика институтида бир гуруҳда олиб борилади.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

Amaliy mashg'ulotlar

МАТЕРИЯНИНГ АСОСИЙ ХОССАСИ НИМА?

ёхуд умумтаълим мактабларида физика фанини ўқитишда сессия материалларидан фойдаланиш усуллари

2002 йилнинг 29 август куни бўлиб ўтган II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида эзгу мақсадларни ёшлар қалбига, онгига сингдириб бориш, уларни ҳар томонлама баркамол, эркин фикрловчи, мустақиллик учун жонини фидо қилувчи комил шахс қилиб тарбиялаш шу кунинг муҳим талабларидан бири эканлиги таъкидланганди. Шу боис ёшларимиз давлатимиздаги демократик ўзгаришларни ва фуқаролик жамиятининг қандай бўлишини, бунга ўзини қандай тайёрлаб боришларини ҳис қилмоқлари лозим.

Мактаб ўқувчиларига мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини тушунтириш ва уларда фуқаролик жамияти асослари хусусидаги билимларни шакллантириб боришда уларнинг кўникма ва малакаларини ошириш барча фан ўқитувчилари, жумладан физика фани ўқитувчилари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Савол туғилади: физика фани мавзуларини ўқувчиларга ўргатишда сессия материалларидан фойдаланиш мумкинми, унинг аҳамияти нимада? Албатта, мумкин ва зарурдир. Биз Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги Ш.Абдуллаев номидаги 73-мактабнинг 8-синфида ўтказилган физика фанининг "Механик ҳаракат. Фазо ва вақт" мавзусидаги бир соатлик дарсимизда, ўз амалиётимизда қўллаб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Дарснинг мақсади:

таълимий — ўқувчиларда механик ҳаракат, фазо ва вақт тўғрисида тушунча ҳосил қилиш;

тарбиявий — ўқувчиларни механик ва ижтимоий ҳаракатларни илмий идрок қила олишга, жамиятда фаол иштирок этиш зарурлигини уқтириш;

ривожлантирувчи — юртимизда фуқаролик жамиятини қуришда ҳар бир шахсни мустақил фикрли, комил инсон қилиб тарбиялаш;

дарснинг дидактик жиҳози — механик ҳаракатга оид кўргазма-плакат, Ньютон аравачалари, глобус, XVZ координата ўқи макети, Ньютон трубкаси.

Дарсда қўлланиладиган методлар: савол-жавоб, мунозара.

Дарсни ўқитувчи доскага илинган плакатдаги қуйидаги режа саволларини ўқувчиларга ёздириш билан бошлайди:

1. Материянинг асосий хоссаси нимадан иборат?
2. Қандай ҳаракат механик ҳаракат дейилади?
3. Ҳаракат қаерда ва қандай юз беради?
4. Жамиятни ривожлантиришда ҳам ҳаракат мавжудми?
5. Инсон учун энг асосий, устувор мақсад нима?

Шунингдек, "Келажак — ёшларники", "Юксак маънавият ва маданият" плакати, "Механик ҳаракатни ўрганган олимлар — Аристотель, Галелео Галелей, Исаак Ньютон, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Форобий, Мирзо Улуғбек, М.Ўрозбоев, Х.Раҳматуллин расмлари доска атрофига дид билан жойлаштирилган.

Бундан олдинги дарсда ўқувчиларга ўтиладиган янги мавзу ҳамда сессия материаллари билан танишиб келишлари топшириғи берилганлиги боис янги дарснинг мақсади билан ўқувчилар қисқача таништирилади. Шундан сўнг мавзуга мос ҳолда ўқитувчи томонидан жамиятимизда қандай ўзгаришлар юз бермоқда, инсоният нимага интилиб яшайди? каби саволлари ўқувчиларга берилиб, механик ҳаракат билан жамиятдаги (инсонларнинг эзгу) ҳаракатларини таққослаб кўрсатишга интилади. Бунинг учун мен Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга ҳаракат қилишнинг асосий сабаби нимадан иборат? деган саволга ўқувчилар диққатини тортиб, унинг моҳиятини қуйидагича очиб бердим. Дастлаб ўқувчиларга магнитни кўрсатиб, унинг нималиги, аҳамияти қандайлигини сўрадим. Ўқувчилардан саволга тўлиқ жавоб олгач, магнит неча қутбга эга? деган янги бир саволни ўртага ташладим. Унинг икки қутбга эга эканлиги ўқувчилар томонидан исботлангандан сўнг фикримни давом эттириб, собиқ Иттифоқ даврида, яъни бундан бир неча йил олдин ҳам она заминда (глобусни кўрсатиб) инсоният худди шунга ўхшаш икки қутбга, социалистик ва капиталистик тузумга ажралган эди. Инсонлар бир-бирига нисбатан душманлик руҳида тарбияланиб, қуролланиш пойгаси авж олди. Инсоният шундай даражага бориб етдики, у ядро қуроллари билан она заминни парчалаб, уни ўз орбитасидан чиқариб юбориш хавфи туғилди. Буни ўз вақтида англаган фидойи инсонлар, жумладан, Президентимиз Ислом Каримов она заминимизнинг бугунги экологик муаммоларини ҳал қилишда давлатларнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш ташаббусини илгари сурди. Бугунги кунда биз танлаган ёрқин йўл мана 11 йил бўлдики, олий неъмат — мустақилликнинг шарофати билан инсониятни эзгулик сари чорламоқда. Ўзбекистонни дунё таниди.

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад нима? — саволига сессия материалларидан фойдаланиб, биз учун энг асосий мақсад, тенгсиз олий неъмат — юрт мустақиллигини асраш, уни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдир.

Шундан сўнг ўқувчиларга ҳам айни шу саволлар берилиб, улардан бирма-бир жавоб олинади. Ўқувчилар эса бу борадаги ўз мулоҳазаларини, ўқиган-ўрганганлари орқали батафсил тушунтириб, ўзаро мунозарага киришади.

Дарс ниҳояси олдидан ўқувчиларнинг ўрганганларини мустаҳкамлаш мақсадида уларга қуйидаги саволлар берилади:

— Табиатда материянинг асосий хоссаси нима экан? Ҳаракат.

— Табиатда, турмушда кўпроқ қандай ҳаракат учрайди? Механик ҳаракат.

— Ҳаракат мавжуд бўлиши учун қандай омиллар зарур? Фазо ва вақт.

— Жамиятда ҳам ҳаракат мавжудми? Ҳа, ижтимоий ҳаракат мавжуд.

Ўқувчилар томонидан тўғри жавоблар олингач, дарснинг баҳолаш қисмида фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади, рағбатлантирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, механик ҳаракатни ва ижтимоий ҳаракатни таққослаш услубидан фойдаланиш ўқувчиларнинг онги, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Ҳар бир дарсни ўтишнинг ўзи бир ижод. Бу ижод ёшларга завқ бағишлаши лозим. Уларнинг шахс сифатида камол топишида ҳисса қўшсин. Фаннинг жамиятни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти ҳам шундадир.

Марямжон ЖУМАНИЁЗОВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

КИМЁДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

у барча талабларга жавоб беради

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфларида кимё фанини Давлат таълими стандартлари ва ўқув дастури асосида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси билан ўқитилиши ушбу соҳада тубдан янги ёндашувлар асосида дарслик яратишни тақозо этди. Чунончи, 2002 йил (ХТВнинг 2001 йил 10 октябрдаги 156-буйруғига биноан) Халқ таълими вазирлиги ва Осиё ривожланиш банки томонидан тендер асосида дарсликлар танлови эълон қилинган эди. Сирасини айтганда, янги 9-синф дарслигини яратиш учун муаллифлар 3 та гуруҳда фаол ишладилар. Яқинда ушбу танлов якунланди. Унда кимё фанлари доктори, профессор И.Асқаров, Андижон Давлат университети "Физик ва органик кимё" кафедраси катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди А.Тўхтабоев, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 8-мактабнинг олий тоифали кимё ўқитувчиси К.Ғопиров ва Андижон Давлат университети "Умумий кимё" кафедраси катта ўқитувчиси Г.Абдуллаевалар ҳаммуаллифлигида яратилган 9-синф "Кимё" дарслиги танловда ғолиб деб топилди.

Дарслик Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида чоп этилган. Шу билан бирга янги яратилган 9-синф "Кимё" дарслиги Давлат таълим стандартлари асосида ёзилган бўлиб, аввалги 9-синф дарсликларидан фарқли равишда ўрта умумий таълим мактабларининг тўққиз йиллик таълим тизимига ўтиши муносабати билан анорганик ва органик кимёга доир мавзулар ҳам ёритилган. Яъни 10-,11-синф кимё курсининг мавзуларини ўз ичига олган ҳолда мавзуларни ёритишда 9-синф ўқувчиларининг дунёқараши, кимё фанига бўлган қизиқишини шакллантириш мақсадида кимё фани бўйича назарий ва амалий билимлар ўқувчига қизиқарли содда, равон тил билан оддийдан мураккабга томон босқичма-босқич баён этилади.

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang

Дарсликнинг кириш қисмида буюк мутафаккир алломаларимиз Жобир ибн Хайён, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, кейинги йиллардаги Ўзбекистон олимларининг кимё фани соҳасига қўшган ҳиссалари ҳақида фикр юритилган, қолган бўлимларида "8-синф кимё курсининг энг муҳим мавзуларини такрорлаш", "Углерод гуруҳи", "Кремний", "Органик бирикмалар", "Металлар" каби боблар ўз аксини топган.

Дарслик муқовасига элементлар даврий системаси билан бирга кимё фанларининг очилиш саналарига доир жадвал тасвири туширилган. Бу эса ўқувчиларнинг кимё фани тармоқлари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди. Дарсликдаги матнларнинг иллюстрациялар билан таъминланишида зарур маълумотлар мужассамлашган ҳолда берилган ва ўқувчи матнни ўзлаштиришда битта кўргазмали воситанинг ўзидан фойдаланиб, кўпроқ билим олиш имкониятига эга бўлади. Ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши кўзда тутилиб, етарли миқдорда савол ва топшириқлар, ҳисоблашга доир масалалар, тест топшириқлари, лаборатория тажрибалари, амалий машғулотлар ва мустақил ишлар, жадваллар берилган.

Дарслик дизайнига алоҳида тўхталиш жоиз. У ушбу йўналишдаги бошқа дарсликлар дизайнидан тубдан фарқ қилади. Дарсликнинг муқоваси, ҳар бир боб номи, параграфлар ва матни, хуллас, барча тўшунчаларни шакллантиришда ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятлари ҳисобга олинган. У ўқувчилар диққат-эътиборини максимал даражада қамраб оладиган қилиб безатилган. Матннинг мазмуни алоҳида қисқа ажратмалар шаклида берилганлиги ўқувчиларга ўрганиладиган мавзуларнинг дастлабки тушунчаларни қисқа вақт ичида тез ўзлаштириб олиш имконини беради.

Муҳими, 9-синф "Кимё" дарслиги ўзининг Методик қўлланмасига эга (И.Асқаров, Н.Тўхтабоев ва К.Ғопиров. "Абу Али ибн Сино" нашриёти. Ҳажми 7.69.б.т.). методик қўлланма 9-синф "Кимё" дарслигини ўқитишда кимё фани ўқитувчиларига маълум даражада амалий ёрдам берувчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этади. Унда умумий ўрта таълимнинг кимё фани бўйича Давлат таълим стандартлари талабларига биноан ўқув дастури асосида тузилган режа, мавзулар юзасидан саволлар, тест топшириқлари, мустақил ишлар, лаборатория ишлари, масалалар, уларни турли хил усулларда ечиш намуналари, ёзма иш вариантлари мавжуд бўлиб, улар кимё ўқитувчисининг ижодий иш фаолиятида жуда қўл келади. Хуллас, кимё дарсликларининг янги нашрлари барча-барчага маъқул келиши шубҳасиздир.

М.ТИЛЛАБОЕВА,
республика Таълим марказининг табиий билимлар бўлими бошлиғи,
Н. ҚОДИРОВА,
кимё фани бош методисти

ЗУЛФИЯ БОҒИ НИҲОЛЛАРИ

Мен кетсам мунғаймас
ўрним ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар
бўлади ҳали...

Таниқли шоирамиз Зулфияхонимнинг юқоридаги сатрлари бугунги кун учун ёзилгандай, гўё. Юртимизда устозга ҳавас қилиб изларидан боришга чоғланаётган истеъдодлар қанчадан-қанча...

Мирзо Улуғбек туманидаги Успенский номли махсус мусиқа мактаб-интернатида "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Танловда туман босқичларида муваффақиятли ўринларни эгаллаган 30 дан ошиқ номзодлар 5 йўналиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ғолиблар республика босқичига йўлланма олдилар.

Танлов сўнгида фаол иштирок этганлар ҳамда ғолибларга Тошкент шаҳар ҳокимиятининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилдора ПЎЛАТОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 1-босқич талабаси

Лекин бу таҳлил айни матнни ўқигандан сўнг ўқувчида туғилган мустақил фикрни, мулоҳазани чеклаб қўяди".

ОДИЛ СУД — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Биз биламизки, суд ҳокимияти — бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари нафақат қонунларнинг маъноси, мазмуни ва қўлланилишини ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар фаолиятини, балки айнан суд ҳокимиятининг ҳам моҳиятини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси суд тизими олдида ғоят катта аҳамиятга эга вазифа — давлат органларининг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мавҳум ҳуқуқий меъёрларни реал ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантириш, давлатнинг инсон олдидаги ўз вазифаларини бажаришини таъминлашдек улкан вазифа турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида: "Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар", дея таъкидлаган эдилар. Ушбу фикрларнинг қонуний кафолати сифатида конституциямизнинг 112-моддасида судьяларнинг мустақиллиги: "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", дея белгилаб қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам республикамиз суд органлари мустақиллигини таъминлашнинг Конституцияда ва қонунларда белгилаб қўйилган бир қанча асосий кафолатлари БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/46 резолюциялари билан маъқулланган "Суд органлари мустақиллигига оид асосий тамойиллар" талабига жавоб беради.

Умуман суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги тўғрисида гап кетганида демократик асослар муҳим ўрин тутади. Аммо собиқ совет тузуми даврида судья бўлиб сайланиш учун олий маълумотдан сўнг номзодга қўйиладиган асосий талаб — у коммунистик партия аъзоси бўлиши лозим эди. Партиясизларни судьялик лавозимига тавсия этиш мумкин эмасди. Чунки, судьялик лавозими тегишли партия комитетларининг номенклатурасида бўлиб, бу лавозимга сайланиш учун номзоди қўйилаётган кадр, албатта, шу партия комитети раҳбарларининг суҳбатидан ўтиб, розилик олиши талаб қилинар эди. Яъни, судьяликка тавсия этиш тегишли партия комитети биринчи котибининг хоҳиш ирода сига боғлиқ бўлиб, сайланган судья сўзсиз унинг таъсир доирасида қолар эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг жаҳондаги ривожланган давлатлардагидек, Ўзбекистонда ҳам бу масала энг демократик асосларда ҳал қилинди. Туман (шаҳар), туманлараро, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг судьялари бевосита Республика Президенти томонидан тайинланиши белгиланди ва бу билан уларга нисбатан маҳаллий ижроия ҳокимиятларнинг ҳар қандай таъсирига қатъий чек қўйилди.

Шубҳасиз, ҳар бир соҳа истиқболини ва бугунини кадрлар салоҳияти белгилаб беришини яхши биламиз. Бусиз ҳеч қандай олдинга силжишларга эриша олмаслигимиз исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шунинг учун ҳам суд тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш механизмини демократик асосларда шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Президентимизнинг "Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида"ги, "Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида"ги бир-бирини тўлдириб ва ривожлантириб борадиган фармонлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи муҳим қадам бўлди.

Албатта, буларнинг барчаси фуқароларимизнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Зеро, суд олдида тенглик тушунчаси қонун олдидаги тенглик тушунчасидан фарқ қилмайди. У суд олдида у ёки бу тарзда турган барча фуқароларга процессуал ҳуқуқлар берилиши ва тегишли мажбуриятлар юкланишини билдиради. Айтайлик, агар кимдир судга гувоҳ сифатида чақирилаётган бўлса, бу шахс ўзининг келиб чиқиши, ижтимоий, мансаб ва мулкий аҳволидан, ирқий ва миллий мансублиги ва шу кабиларга қарамасдан судга етиб келиши ва ҳаққоний кўрсатмалар бериши шарт. Барча умумий юрисдикция судларида суд ишларини юритиш қоидалари кимнинг жавобгарликка тортилаётгани, жабрланувчи деб эътироф этилганлиги, фуқаролик даъвосини тақдим этганлиги, бундай даъво бўйича жавобгар эканлиги ва шу кабиларга қарамасдан бир хил ҳисобланади. Холис суд олдида мулкий аҳволи, лавозими ва шулардан қатъи назар, ҳамма расман тенг ҳисобланади.

Барчанинг суд олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон фуқароларига, шу билан бирга ажнабий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишли эканлигини эслатиб ўтишимиз фойдадан холи бўлмайди.

Бу каби мамлакатимиз суд тизими ҳақидаги умумий ва кези келса, қувонарли натижалар ҳақидаги фикрларни келтиришимиздан мақсад, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдаги суд тизими борасидаги ишларга назар ташлаш эди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг "... суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда, ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади", деб таъкидлаши бежизга эмас.

Баҳриддин ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди консультанти

Uchrashuv

ДАРСЛИК МУАЛЛИФЛАРИ ЎҚУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда Акмал Икромов туманидаги 295-мактабда Республика Таълим маркази билан ҳамкорликда янги яратилган 9-синф "Она тили" ва "Адабиёт" дарсликлари тақдимоти ҳамда учрашув ўтказилди. Унда дарслик муаллифлари ЎзМУ профессорлари У.Норматов, Б.Қосимов, Қ.Йўлдошев, доцент М.Қодиров ҳамда доцент Т.Ниёзметова, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти методисти Ф.Муҳамедова ҳамда РТМ мутахассислари иштирок этдилар.

Тақдимотда ўқувчилар ҳам фаол қатнашишди. Улар дарсликларни қандай тушунганликларини, улардаги ютуқ-камчиликларни ўз даражаларида гоҳ жиддий, гоҳ мутоиба тарзида ифода этдилар. Дарсликларни мадҳ этувчи ва дарсликлардаги шеърлар, ғазаллардан намуналар ўқилди.

Дарслик муаллифларининг ҳар бири она тили ва адабиёт таълими олдида турган мақсад ва вазифалар, янгиланган дастур ва дарсликлардаги янгича йўналиш ҳамда технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўқувчи ва ўқитувчиларга йўлланма ва тавсиялар бердилар.

Шундан кейин дарслик муаллифлари ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар. Савол-жавоблар мунозараларга айланиб кетди. Масалан, "Она тили" дарслигида айрим атамаларнинг (олмош) турлича номланиши ўқувчиларни чалкаштираётгани, "Адабиёт" дарслигида шоҳ асарларидан парчалар 2-3 бетгина берилганлиги, "ғазал"га қуйи синфлардаёқ дуч келиниши боис аруз вазни ҳақидаги маълумот ҳам қуйи синфда берилиши кераклиги ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланди. Айниқса, 9-В синф ўқувчиси Саодат Жухарованинг қуйидаги фикрлари дарслик муаллифларини тўлқинлантириб юборди. "Биз қуйи синфларда ижодкорлар асарларидан берилган парча билан танишгач, ундан кейин берилган савол-топшириқлар асосида ўзимизнинг гоҳ тўғри, гоҳ нотўғри мустақил фикрларимизни билдирар эдик. Тўғрироқ фикр билдириш учун асарни тўлиқ ўқишга ҳаракат қилардик. 9-синф дарслигида савол-топшириқ билан бирга асар ҳақида маълумот берилган. Бу, албатта, ўқувчи учун қулайлик. Лекин бу таҳлил айни матнни ўқигандан сўнг ўқувчида туғилган мустақил фикрни, мулоҳазани чеклаб қўяди".

Иштирокчиларгача, Фан доктори, профессордан бошлаб оддий ўқитувчигача ўқувчиларнинг тафаккури, онги ўзгараётганлиги, руҳи, қалби юксалаётганлиги, тўғрими, нотўғрими мустақил фикр айтиш эҳтиёжи шаклланаётганлиги, таълимдаги янгиланишлар самара бера бошлаганлигининг натижаси эканлигидан мамнунлик ҳис этдилар.

Н.ҒУЛОМОВА,
РТМ бўлими бошлиғи

Tadbir

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ НИМА?

Жамият тараққиёт сари юз тутар экан, ўз-ўзидан янги атамалар, тушунчалар ҳаётимизга кириб кела бошлайди. Ана шундай янги терминлардан бири бу инклюзив таълим тушунчасидир. Бу термин энг аввало бундан 12 йил олдин Таиландда ўтказилган илмий конференцияда қўлланилган бўлиб, конференциянинг шиори "Таълим ҳамма учун" деб номланган эди. Мана шундан ушбу сўзнинг маъносини англаб олсак бўлади. Барча хорижий давлатларда бўлганидек бизнинг давлатимизда ҳам бу жараён тобора такомиллашмоқда.

Фарзанд дунёга келибоқ барчага қувончу шодлик бағишлайди. Унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, сўзлари ён атрофдагиларни севинтиради.

Афсуски, баъзан маълум бир сабаблар билан имконияти чекланган кичкинтойларнинг дунёга келиши ёки соғлом ўсаётган болаларнинг бахтсиз ҳодисали бўлиб қолиши катта нинг таълим-тарбия масча таълим муассасаси, болалар туфайли нуқсонбўлгани сайин уларканларида (мактабгамактаб, коллежларда, олий ўқув юртларида) таълим олишида бироз қийинчилик, умидсизланиш ҳосил қилади. Атрофидаги болаларга нисбатан ўзларининг имконияти чекланганлигини ҳис қилган болакайлар билан мулоқот қилиш, дарс ўтиш қийинчилигини фақатгина уларнинг мураббийлари, ота-оналари ҳис қиладилар. Уларнинг таълим олиши билан боғлиқ жараёнларда ўқитувчилардан катта ирода ва масъулият талаб қилинади. Чунки, бундай болаларнинг руҳиятида ишончсизлик, кемтиклик ҳисси мавжуд бўлади.

Имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан биргаликда ўқитиб, биргаликда таълим-тарбия беришни ташкиллаштириш мақсадида турли тушунтириш ишлари, тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Таълим марказида бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Инклюзив таълим ресурслари Маркази ҳамкорлигида ўтказилган икки кунлик мазкур тадбирда вилоятлар, ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди. Тадбир иштирокчиларига инклюзив таълимнинг концепцияси, унинг аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилди. Республикамизда ушбу таълим тизимини жорий этиш ва бу жараён билан боғлиқ маълумотлар ҳам кўриб чиқилди.Амалга оширилажак мазкур таълим тизимини жорий этишдан асосий мақсад алоҳида эътиборга, таълимга муҳтож болаларни ҳам таълим жараёнига қамраб олишдир. Бўлиб ўтган мазкур амалий семинар мамлакатимизда инклюзив таълимнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Назокат ХОЛМЕТОВА.
"Ma'rifat" мухбири

Mehmonxona

Николас ДАНИЛОФФ:

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУКУМАТ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИШЛАРИ КЕРАК

Николас Данилофф — америкалик журналист, Нортистерн университети журналистика факультети профессори. У 1934 йили Парижда туғилган. Отаси рус бўлган, 1917 йил тўнтаришидан сўнг Америкага чиқиб кетган. Онасини америкалик деб таништирди. АҚШнинг Массачусетс штатидаги машҳур Ҳарвард университетида сиёсатшунослик мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Орзуси дипломат бўлиш эди. Бу ишга қабул қилишмагач, 1956 йили Вашингтонда "Вашингтон пост таймс ҳералд" журналига кечки муҳаррирларга кофе олиб келувчи вазифасига ишга киради. Кейин "Юнайтед пресс интернейшнл" агентлигига журналист сифатида ишга ўтади. Шундан сўнг Лондондаги Оксфорд университетида ўқишни давом эттиради. Ўқиш жараёнида "Юнайтед пресс интернейшнл" агентлигининг Лондондаги бюроси муҳаррирлари билан танишади. Мазкур бюрода бир йил ишлагач, Женевага бюро бошлиғи вазифасига ишга юборишади. Москвадаги бюрода эса 1961-65 йиллар давомида фаолият кўрсатади. Кейин яна Вашингтонга қайтади. 1980 йили "U.S. News and World Report" журналига ишга ўтади ва 1981-86 йилларда унинг махсус мухбири сифатида яна Москвада ишлай бошлайди. Хизмат муддати тугагач, АҚШга қайтиб, айни пайтгача Бостондаги Нортистерн университетида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шу билан биргаликда 1999 йилдан буён ҳар йили шу пайт келиб, уч ҳафта давомида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ҳам талабаларга таҳсил бермоқда.

— "Меҳмонхона"мизнинг анъанавий саволи — биринчи бора сизга ҳарф ўргатган ўқитувчингизни эслайсизми?

— Сиз уч-тўрт ёшимни назарда тутаяпсизми?

— Йўқ, мактабдаги биринчи ўқитувчингизни.

— Афсуски, эслай олмайман.

— Умуман сизни ўқитган муаллимларнинг қай хислатлари ёдингизда қолган?

— Менга ҳар хил ўқитувчилар сабоқ беришган. Масалан, Ҳарвард университетида бир рус миллатига мансуб ўқитувчи рус тарихидан сабоқ берарди. (У ҳам отам каби Россиядаги 1917 йил тўнтаришдан сўнг Америкага келган экан). Россия ҳақида шундай муҳаббат билан дарс ўтардики, бу илиқлик талабаларга, ва албатта, менга ҳам ўтарди. Унинг ўз касбига илиқ муносабати ва фидойилиги ёдимда қолган. Олмон миллатига мансуб яна бир Карл Фридрих деган домлам (у Олмониядан яҳудийларнинг қувилиши даврида келиб қолган) Юнонистон бўйича кучли мутахассис эди. Янаям аниқроғи у бизга қадим юнон сиёсий фалсафаси бўйича сабоқ берарди. Йигирма ёшли камина албатта у давр ҳақида ҳеч нарсани билмасдим. Икки минг йил аввалги даврда яшаб ўтган юнон файласуфларининг фикрларини домлам менга етказар экан, у билим олишим учун катта эшикларни очиб берган эди. Оксфорд университетида ҳам бир неча домлаларим ёдимда қолган. Қисқаси, тилга олинган профессорлардан ҳаётга ва билим олишга бўлган қизиқишим ортган.

— Газетамизнинг кўпгина обуначилари ўқитувчи-зиёлилардир. Шу боис улар Америка Қўшма Штатларида мактаб ўқитувчилари ва профессорлар қандай яшайдилар, дейлик қанча маош оладилар, бу пул уларга етадими (чунки пул одамга ҳеч қачон етмайди), умуман ўқитувчига муносабатнинг қандайлигига қизиқадилар.

— Бу саволга жавоб бериш қийин. Чунки пул ва унинг сарф-харажати сиз билан бизда фарқланади. Мактаб ўқитувчисининг маоши йилига ўртача ўттиз минг долларни ташкил қилади. Бу маблағ ёш, уйланмаган ўқитувчигагина етаретмас даражададир. Университетлар профессорлари эса (улар турли тоифададирлар), масалан олий тоифали профессор йилига юз минг АҚШ доллари миқдорида маош олади. Бу маблағ унга етади ва бу маошнинг миқдори ёмон эмас. Муаллимларни мактабда ҳурмат қилишади. Жамиятда эса уларни сизнинг, юртингиздагидек, эъзозлашмайди. АҚШда энг обрўли касб соҳиби — адвокатлар ҳисобланади.

— Нега журналистикадан кетдингиз ва нега айнан ўқитувчиликни танладингиз?

— Бу мен учун оғир савол. Юқорида таъкидлаганимдек, 1986 йилгача Москвада ишлаганман. Мен ўз хизмат муддатимни тугатаётган маҳалимда, Нью-Йорк шаҳрида БМТ котибиятида ишлаган совет эксперти "шпион"лик билан шуғулланганлиги аниқланади. АҚШ федерал қидирув бюросида етарли ҳужжатлар тўпланди. Бунинг учун совет дипломати камида қирқ йиллик қамоқ жазосига маҳкум бўларди. Шу боис Москва КГБси уни гаровга алмаштиришни ўйлаб, ҳаракатни бошлашганди ва гаров менинг чекимга тушди. Улар мени "шпион"ликда айблашга ҳаракат қилиб кўришди. Лекин мақсад аниқ — алмаштириш эди. Буни батафсил тушунтириш учун кўп вақт керак бўлади. Агар сизда хоҳиш бўлса, ҳикоя қилиб беришим мумкин...

— Албатта, катта авлод сиз билан боғлиқ воқеалар ҳақида бир тарафлама бўлса-да, бироз эшитганди ўша пайтлари. Одатда бошқа мамлакатларнинг журналистларини "шпион"лар сифатида кўришади, гапиришади. Сизга ҳам шу важдан бундай айб қўйилганди, назаримда. Лекин "қандай қилиб" ёки нима асосида сизни хибсга олишгани кўпчилик муштарийларимизни қизиқтирса керак.

— Мени қўлга олиш махсус уюштирилди. Менинг рус миллатига мансуб бир танишим бор эди. У билан биз Фрунзе (бугунги Бишкек) шаҳрида танишган эдик. У жуда хушмуомала, очиқ одам эди (Кейин, фикримча, у КГБ билан алоқада бўлган ёки бошқача бўлганми аниқ билмайман). Аҳён-аҳёнда у Москвага келиб турарди, келганда уйимга қўнғироқ қилар, у билан учрашиб, суҳбатлашардик. Ўртамизда дўстлик ва ишонч пайдо бўлгандек эди. Горбачёв даврида мен ундан Фрунзедаги маҳаллий газеталардан қирқимлар юборишини сўрардимки, мақсад уларни ўқиб "қайта қуриш", "ошкоралик" қай даражада ҳаётда акс этишини билиш эди. Бунгача у Афғонистондаги урушлар оқибатлари ҳақида маълумотлар бериб турарди. У маълумотларни олишдан мақсад, Афғонистонга юборилаётган аскарларнинг ота-оналари урушга нисбатан қандай муносабатда эканлигини билиш эди. Негаки, бу уруш Вьетнамдаги уруш билан қайсидир маънода ўхшаш эди. Америка халқи бу урушга қарши эди. Журналимиз ўқувчиларини ана шу феноменнинг бу ердаги кўриниши қизиқтирар эди. Танишим фарзанди ўлган ота-оналарнинг муносабати сингари махфийлаштирилмаган маълумотларни бериб турарди, лекин Москвада бу маълумотларни олиш қийин эди.

Хуллас, менинг Москвада ишлаш муддатим тугаётган кунларнинг бирида шу танишим келиб қолди ва учрашишга келишдик. Биз Москва дарёси бўйида сайр қилиб, суҳбатлашдик. У менга конвертни бериб, унда ўзим сўраган мавзуда бир неча фотосурат, газета қирқимлари бор, деди ва иши зарурлигини айтди, хайрлашдик. Мен ҳам уй томон юрдим, кўп ўтмай йўл ёқасида микробус келиб тўхтади-да, ундан бир неча одам тушиб, қўлимга мажбуран кишан солиб, Лефортова қамоқхонасига олиб кетишди. Албатта, у ерда сўров бошланди ва у олти соат давом этди. Умуман батафсил билишни хоҳласангиз ҳаммасини китобимда ёзганман.

— Бу китоб бизда йўқ, шу боис бу мавзуда охирги савол — конвертда нима бор эди?

— Конвертни биринчи бўлиб мен эмас, сўроқни бошлаган терговчи очди. Қизиғи шундаки, у конвертни очиши билан унда нима борлигини аввалдан билгандек изоҳлай бошлади...

— Нега журналистикадан кетдингиз деган саволга қайтсак.

— Мана шу воқеадан сўнг яна АҚШга, ўзим ишлаётган журналга ишга қайтдим. Лекин бошимдан ўтган воқеаларни ёзиш учун менда бўш вақтга эҳтиёж пайдо бўлди. Биографик китобим — "Икки ҳаёт ва ягона Россия" номи билан чоп этилгач, қайта журналга ишга ўтмадим, негаки Нортистерн университети ўқитувчилик қилишимга шароит яратиб берди. Қолаверса, агентликдаги иш журналга қараганда жуда юзаки эди. Журналга ишга ўтдим. Энди эса журнал иши ҳам илмга нисбатан юзаки эканлиги кўринди. Мен ўз устимда янада кўпроқ ишлашга эҳтиёж сездим, янада чуқурлашишни, ўқитувчилик билан ҳам шуғулланишни истар эдим.

— Қандай қилиб профессор унвонини олгансиз ёки бошқача савол — АҚШда профессор унвони қандай тартибда берилади? Бу савол бизнинг домлаларимизни жуда қизиқтиради, негаки айримлар биздаги бу жараён хориж давлатларига нисбатан жуда оғир деб ўйлайдилар.

— Менда Ҳарвард университетининг бакалавр дипломи бор, шунингдек, Оксфорд университетининг бакалавр ва магистр дипломларига эгаман. АҚШда одатда профессорлар докторлик мавқеига эга бўлиши даркор. Лекин менда бу илмий унвон йўқ эди. Аммо журналистика соҳасида ўттиз йилдан зиёд ҳаётий тажрибам бор. Нортистерн университетида биринчи бора менга учинчи даражали профессор унвонини беришди, бу албатта, энг кичик тоифадаги профессор ҳисобланарди. Бу университет қоидасига кўра домла ўзини кўрсатиши учун олти йил ўқитувчилик қилиши ва битта китоб ёзиши керак бўлади. Шу синовдан яхши ўтса унга доимий ишлаш имконияти берилади. Мен эса бундай китобни ёзмадим. Лекин анчагина илмий мақолалар ёздимки, мени университетнинг журналистика факультети директорлигига тайинлашди. Қолаверса, университетга ишга келгунимча иккита китобим нашрдан чиққан эди, шу боис улар профессорликка лойиқ деб топишди. Бироқ бу бир йил жараёнида батафсил ўрганилади, таҳлил қилинади. Шунда менга иккинчи тоифали профессор ва яна маълум вақт ўтгач, энг юқори - биринчи тоифали профессорликни беришди.

— Профессорлик ким томонидан берилади, ким ёки қайси ташкилот ишингизни таҳлил қилади?

— Сиз ўзига хос "досье", яъни тавсифнома тайёрлашингиз керак бўлади. Унда қандай фанлар бўйича талабаларга сабоқ берганлигингизни кўрсатишингиз лозим. Сизнинг дарсларингизда иштирок этган ҳамкасбларингизнинг қандай дарс ўтганлигингиз ҳақидаги ёзма фикрлари ҳам бўлиши таъкидланади. Шу билан бирга ҳар семестрда талабаларга тарқатиладиган ва улар сизнинг қандай домла эканлигингизни кўрсатадиган сўровнома ҳам таҳлил этилади. Масалан, унда "Домлангиз вақтида дарсга келдими", "Маърузани қизиқарли тарзда ўтдими" каби қатор саволлар бўлади. Шунингдек, бу "досье"да илмий мақолаларингиз, китобларингиз акс этади. Бу анчагина кенг қамровли иш ва уни йиғиш учун анчагина меҳнат қилиш керак бўлади. Маълумки, ҳар бир факультетда ҳамкасблар бўлади ва улар шу "досье"ни ўқиб, унинг иши арзиш-арзимаслиги бўйича ўз фикрини билдиради. Агар ҳамкасбларингиз "арзийди", дейишса, унда ишингиз иккинчи босқичга кўтарилади. Бу комиссия тўққиз кишидан иборат бўлиб, учтаси илмий, учтаси гуманитар илм ва қолган учтаси ижтимоий фанлар илми бўйича мутахассислардир. Булар ҳам ишни ўрганишгач, овоз беришади. Агар ҳамма ижобий баҳоласа бу яхши, агар саккизтаси рози бўлиб, бир киши қарши чиқса бу ҳам ёмон эмас, лекин беш киши "рози", тўрт киши "қарши" овозини берса, бу унчалик яхши натижа эмас. Мазкур кенгаш деканга ўз хулосаларини беради ва декан ҳам уни ("досье" билан биргаликда) ўқиб, муносиб ёки муносиб эмаслигини ўзича аниқлайди. У кенгаш хулосасини инобатга олмаслиги мумкин, лекин шу иш билан шуғулланувчи вице-президент(сизларда проректор)га ўз тақдимномасини бериши лозим. У ҳам ўз ўрнида университет президенти(-сизларда ректор)га ўз хулосасини беради. Ректор "досье"ни ўқиб, бу номзодни қўллашим керакми деган саволга жавоб излайди. Охирги сўзни ректор айтади, лекин яна бир қизиқ жиҳати бор, АҚШда ҳар бир университет ишини назорат қиладиган Кенгаш мавжуд. Кенгаш, дейлик, эллик кишидан иборат бўлса, унинг таркибида академик ишлар бўйича маслаҳатчи кенгаш ҳам бўлади. Ректор ишни уларга ошириши мумкин. Улар ректорнинг хулосасини рад этишга ҳақли. Сезган бўлсангиз, бу жараён жуда узоқ - тўлиқ бир ўқув йилини эгаллаши, ҳатто, номзодингиз қайтиши ҳам мумкин.

— Ҳа, сизларда ҳам профессорлик унвонини олиш бизнинг айрим домлаларимиз ўйлаганчалик осон ишга ўхшамайди. Хабарингиз бор, ҳозир Ўзбекистон матбуотида ўзгариш фасли. Айни пайтда барча масала бўйича мақолалар, фикрлар чоп этилмоқда. Бундай пайтда нашрни энг тез танитадигани танқидий материаллардир. Бу яхши, албатта. Лекин оддий журналист сифатида танқидий материалларнинг кўплиги соясида уларнинг айримлари тегишли ташкилотлар томонидан эътиборсиз қолиб кетмасмикин, деган хавф бор менда. Шундай ҳол сизнинг мамлакатингизда ёки сиз ўрганган бирор мамлакатда бўлганми ва бу ҳолнинг олдини олиш учун нималар қилиниши лозим, деб ўйлайсиз?

— Хавфингизга мен ҳам шерикман. Чунки, бундай шароитда ҳукуматга ёқмайдиган кўплаб мақолалар чиқиб кетиши табиий. Имоним комилки, улар ҳам бу жараённи жиддий кузатишмоқда — нималарни чоп этяпсизлар ва журналистлар ўзларини қандай тутмоқдалар каби жиҳатлар эътиборда. Жаҳон тиллари университетида дарс бераётганимда талаба-журналистларга бу ҳақда гапираман — сизлар журналистика бўйича одоб-ахлоқ кодексини яратишларингиз лозим, дейман. Чунки сиз ўзингизни соф профессионал сифатида тутишингиз керак, сиз ҳақиқатни излашингиз керак, сиз ёзилаётган далилларингиз тўғрилигини текширишиб кўришингиз лозим, дейман. Бундан ташқари журналист фаолиятига боғлиқ яна қатор муҳим жиҳатлар бор. Албатта, журналистлар ҳукуматнинг ҳурматини қозониши керак. Фақат мактаб эмас, танқид бўлса-да, тўғри ёзиб ҳурмат қозониш керак. Агар сиз — журналистлар нотўғри, бўлмаган гапларни ёзсангиз ёки фақат сенсацияга ёпишсангиз, туҳмат қилсангиз сизларни ҳурмат қилишмайди. Унда ҳукумат ҳар бир журналистларга лицензияга ўхшаш ҳужжат беришни, ёки турли имтиҳонлар ўйлаб топишга ҳаракатга тушиб қолиши мумкин. Шу боис, кодексни яратиб олиш лозим ва ҳар қандай лицензиялаш тартибидан қочиш керак.

— Бундай тажриба қайси мамлакатда бор?

— Бизда бундай тажриба йўқ, чунки цензура бизда азалдан бўлмаган. Францияда, Италияда бу тартибнинг қайсидир жиҳатлари мавжуд.

— Ҳам амалиётчи журналист, ҳам журналистлар муаллими эканлигингизни назарда тутиб навбатдаги саволни бермоқчиман. Бугун бутун дунёда янгиликларни турлича талқин қилишмоқда. Сизнингча янгиликлар нима?

— Америка журналистикасида иккита йўналиш бор: нюз (news) ва вюз (veiws), яъни янгиликлар ва шарҳлар. Янгиликлар бизнинг тасаввуримизда яланғоч далиллардир. Америка — очиқ жамият. Барча ахборотни олишингиз мумкин. Собиқ совет тузумида кўп нарсалар махфийлаштирилган эди. Далил ва рақамларга йўл йўқ экан, унда фалсафий назариялар, умумий гаплар кучаяди. Янгиликлар, менинг назаримда, бу бирор воқеа юз берганлиги тўғрисида ва унга тегишли йиғилган далиллардир.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ҳ.ОМОНОВ
суҳбатлашди.

Албатта, мактаб ўқитувчисининг фикрлари инобатга олинади. Негаки, дарслик ва масалалар тўплами билан улар ишлайди, унинг ютуқ ва камчиликларини ҳам ўқитувчигина ҳалол, рўйирост кўрсата олади.

"Мактуб — ярим дийдор" дейишади. Вилоятлардаги чекка туманларгача "Маърифат" етиб бораётгани, ундаги мақолалар ўқитувчиларда фикр уйғотаётгани, уларнинг бизга ишониб айрим "дард"ларини ёзаётганлари масъулият ва бурчимизни янада оширмоқда. Биз Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги муштарийларимиздан кўплаб мактублар олаётганимизни, бу ҳол қувончли ҳол эканлигини, яъни газетамиз ўқилиб, таҳлил қилиб борилаётганини қайд этган ҳолда, мактубларни уч гуруҳга ажратдик.

АНДИЖОНДАН БЕШ МАКТУБ

Андижон шаҳридан халқ таълими фидойиси Шуҳратбек Келдиев икки мактуб юборган бўлиб, уларда икки устоз ҳақида сўз боради. Бири — Қўчқорбой Йўлчиев, бири — Мамарўзи Холиқов.

— Ҳалол меҳнатнинг ҳар қачон қадрланишини устоз Қ.Йўлчиев ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Устознинг хизматлари Олтинкўл туман ҳокимлиги, ТХТБ, ВХТБ томонидан муносиб тақдирланган эди. Яқинда Қўчқорбой Йўлчиев "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони билан тақдирландилар. Андижон туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Мамарўзи Холиқов эса "Элюрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Шуҳратбек Келдиевнинг икки нафар кимё-биология ўқитувчилари ҳақидаги мактублари бизни қувонтирди. Бу иккала устозни "маърифат"чилар ҳам чин дилдан қутлайдилар.

Улуғнор туманидаги 16-лицей-интернатнинг чет тили ўқитувчиси Шарофат Юсупова ҳозирги меҳнат фаолияти ва институтни битириб иш бошлаган дастлабки кунлари ҳақида очиқ-ойдин, самимият билан ёзади:

— Институтни янги тугатган пайтларим синфга киришга безиллардим. Ўқувчилар тил ўрганишга қизиқмасди. Бақириб дарс ўтардим. Асабларим чарчарди. Кечга бориб гапиргим ҳам келмай қоларди. Катта ўқитувчилар менга "Бундай дарс ўтиб бўлмайди, тезда ишдан чиқиб қоласан" деб танбеҳ беришарди. Кўп ўйладим ва вилоятдаги намунали мактабларга бориб, турли ёшдаги ўқитувчиларнинг дарсларини кузатдим, семинарларда қатнашдим ва янгича дарс ўтиш усулини ўргандим. Энди эса синфга кирганимда дилим яйраб кетади. Ўқувчиларим дарсга саҳна кўринишлари, диалоглар тайёрлаб келишади. Луғатлар билан ишлашади. Дарсларни андозасиз, қолипсиз ўтиш менга ва ўқувчиларимга маъқул келди.

Булоқбоши туманидаги 14-махсус лицей-интернатнинг 10-"Б" синф ўқувчиси Моҳира Аташева устозлари, лицей-интернат директори Ойбек Зайнобиддинов ҳақида, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган фан кабинетлари ҳақида фахрланиб ёзади:

— Гарчанд ўқув даргоҳимиз физика, математика, инглиз тилига ихтисослашган бўлса-да, адабиёт, санъатга муҳаббатимиз катта. Мен барча устозларимга ҳавас билан боқаман. Келажакда устозларим сингари шогирдларига қадрли муаллим бўлмоқчиман.

Шогирди кўнглида ҳам билимга, ҳам муаллимликка ҳавас уйғота билган 14-лицей-интернат жамоасига "Балли!" деймиз.

Хўжаобод туманидаги 22-мактабнинг фахрий ўқитувчиси Каримжон Ҳакимов 40 йил халқ таълими соҳасида ишлаб, ҳозирги кунда олти фарзанд, ўн беш набира ардоғида яшаётганлари, уч фарзандлари касбларини давом эттираётгани ҳақида ёзганлар:

— "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман" дейди доно халқимиз. Ёши бир жойга етиб бораётган инсонлар икки оғиз ширин сўзга муштоқ бўлиб қолади. Мен бахтли инсонман. ТХТБ (мудири Т.Тожиддинов), касаба уюшмаси (раиси С.Юсупова) ва 22-мактаб жамоасидан жуда миннатдорман. Улар мен каби нафаҳақўрлар ҳолидан доим хабар олишади, байрамларда бизни маънавий ва моддий жиҳатдан эслаб турадилар. Бу иззат-икром кўнглимни тоғдек кўтаради. Мен "Маърифат"нинг 45 йиллик мухлиси сифатида севимли газетам орқали бизни қадрлаётган ТХТБ ва 22-мактаб жамоасига миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Каримжон ота ўқитувчи маънавияти ҳақида ҳам фикр билдириб, мактуб йўллаганлар. Жалолқудуқ туманидаги мактабларидан бирида икки муаллима аёл уришиб қолган ва улардан бири фарзандларига ўша муаллиманинг дарсига кирмасликни тайинлаб, у аёл ҳақида бўлмағур гаплар тарқатган. Бир ой давом этган бу машмаша мактаб раҳбарларининг аралашуви билан тўхтатилган, унгача воқеа бутун қишлоққа овоза бўлган. Ўз фарзандларини нотўғри йўлга бошлаган муаллима маънавияти қайда қолди, деб ёзади Каримжон ота.

Марҳамат шаҳридан Халқ маорифи аълочиси Абдурасул Эралиев ҳам икки мактуб йўллаган. Бири "Депутат ҳиммати" деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Позилхон Мамақовнинг Марҳамат туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 3-физика-математика фанларига ихтисослашган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Тоҳиржон Бойбуваевга ойига 3000 сўм миқдорида стипендия таъсис этганидан мамнунлиги ўз аксини топган. Иккинчи мактуб "Садоқат билан" деб номланиб, унда юқоридаги мактаб-интернат психолог услубчиси Ўринбой Алимов, унинг хизматлари ҳақида ҳикоя қилинади. Яқинда Ўринбой ака қутлуғ 60 ёшни ёруғ юз билан нишонлабдилар.

Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, Ўринбой ака!

САМАРҚАНДЛИК ЖОНКУЯРЛАР

Самарқанд вилояти Булунғур тумани А.Қодирий номидаги 40-мактаб ўқитувчиси М.Авалбоев тумандан 30 км узоқликдаги қишлоқ мактабида 23 йилдан буён кимё фанидан дарс бераётгани, амалий машғулот, лаборатория ишлари, мустақил тажрибалар ўтказиш, тест синовлари бўйича қўллаётган иш усуллари ҳақида ёзади:

— "Маърифат"га бўлган ҳурматим, ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб келишим ушбу мақолани ёзишга ундади. Мақсадим — кимё ўқитувчилари бу фан ва кимёвий ишлаб чиқаришнинг бирлигини аниқ мисолларда тушунтириб бера олсинлар. Ўрганилган назарий қонунлар асосида моддаларнинг тузилиши, хоссалари, ишлатилиши ўртасидаги боғлиқликни ва шу асосда умумий хулосалар чиқаришни ўқувчилар тушуниб олишлари учун ҳаракат қилсинлар.

М.Авалбоев мактуб сўнгида айрим ўқувчиларининг жонли расм чизишга ҳавасмандлигини билдириб, бу расмларни кўриб баҳолайдиганлар ва уларга маслаҳат берувчилар бор-йўқлиги ҳақида маълумот беришимизни сўрабдилар.

Агар расм чизишга иштиёқманд ўқувчилар бўлса, уларни, албатта, ўқувчилар газетаси — "Тонг юлдузи"га ёки иқтидорли ўқувчилар анжуманларига юбориш керак. Кимё ўқитувчисининг рассом ўқувчиларига бефарқ эмаслиги, улар учун жон куйдириб маслаҳат сўраши бизга маъқул келди.

Нарпай туманидаги 35-мактабнинг география фани ўқитувчиси Иброҳим Эргашев факультатив дарсларда экологик тарбия бериш ҳақида ёзади:

— Инсон қисқа умри давомида фаровон ва бахтли яшашга интилади. Маълум даражада бунга табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва унинг гўзалликларини сув билан таъминлаб туради. Зарафшон дарёсининг 90 фоиз суви экинларни суғоришга сарфланади. Дарёни экологик муҳофаза қилиш мақсадида ҳар икки соҳилида ўрмончилик хўжалиги ташкил қилинган. Табиатни муҳофаза қилиш, сувдан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш ёшларга ҳам боғлиқ.

Ўйлаймизки, ўқитувчининг бу маълумотлари ўқувчиларни яшаб турган жойлари, сув ичаётган тармоқларига эътиборини оширади.

Паст Дарғом туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Неъмат Асқаров газетамизнинг аввалги сонларида физика фанини ўқитиш юзасидан олимларимизнинг берилган мақолаларини ўқиб чиққанини, уларда эътиборга молик фикрлар билдирилганини таъкидлаб, ўз мулоҳазаларини ҳам билдирган:

— "Физика" дарсликларидаги машқлар ўзлаштирадиган ўқувчилар учун мослаб тузилган. Дарсликдаги айрим қисқартиришлар ҳисобига соддароқ ва қизиқарли масалалар берилса яхши бўларди. Таклифим, А.П.Римкевич тузган масалалар тўплами қайта кўриб чиқилса ва худди шундай қизиқарли масалалардан иборат тўплам яратилса, физика фанига қизиқиш ошарди.

Неъмат Асқаров "Маърифат нури" (2002 йил, 7 май сони) газетасида Самарқанд ВПХҚТМОИнинг маълумотлари келтирилгани, унда малака оширишга келган физика ўқитувчиларининг тест-синови натижалари паст - деб кўрсатилганидан ранжийди. Бунинг сабабини олий таълим тизими дастуридан излаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди, айни вақтда физика ўқитувчилари учун яратилаётган қўлланмалар камлигини сабаб қилиб кўрсатади.

Бизнингча, муаллиф кўп эътирозларни ўринли келтирган. Албатта, мактаб ўқитувчисининг фикрлари инобатга олинади. Негаки, дарслик ва масалалар тўплами билан улар ишлайди, унинг ютуқ ва камчиликларини ҳам ўқитувчигина ҳалол, рўйирост кўрсата олади.

ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК, ЗИЁ УЛАШАЁТГАНЛАР

Хоразм вилояти Шовот туманидаги 9-мактаб муаллимаси Гавҳар Матқурбонова *фахрий устоз Ражаббой Эгамёровнинг ҳаёт йўли ҳақида ёзган:*

— Ҳаётда шундай кишилар борки, ўзи оддий, лекин қалби пок, нияти улуғ. Улар беҳуда яшамайдилар, одамларга яхшилик, зиё улашадилар. Кўпга ибрат бўлиб, эл ҳурматига сазовор бўладилар. Шундайлардан бири Ражаббой Эгамёровдир.

Ражаббой ота каби устозлар ҳозирги кунда пиру бадавлат яшаётганларидан, устознинг ибратли ҳаёт йўлидан, нурли йўлдан Гавҳар каби шогирдлари келаётганидан шод бўлдик.

Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги Азим Маматов номидаги 22-мактаб битирувчиси Дилнора Раҳимова *"Маърифат" газетасини мутолаа қилиб туришини, келажакда журналист бўлмоқчи эканлигини билдириб, маслаҳат сўрайди:*

— Мен жуда кўп мақола, шеър ва ҳикоялар ёзганман. Афсуски, уларни қаерга ва кимга юборишни билмайман. Сизга юбораётган илк мақоламга сарлавҳа топиб эълон қилишингизни сўрайман. Сабаби, "Маърифат"ни мутолаа қилиб тураман.

Дилнора, "Маърифат" билан бир қаторда "Туркистон"ни ҳам ўқинг. У — ёшлар газетаси. Шеърингизни эса устозларингизга кўрсатинг, кўп ўқинг. Мақолангизни "Таъзим" деб номласангиз бўлади. Унда устозларингизга миннатдорлик билдирибсиз.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан Норқувват Тўраев *7-ихтисослашган мактаб-интернат директори Э.Ҳазратқуловнинг олиб бораётган ибратли ишлари ҳақида ёзган:*

— Мактаб-интернатда маънавий, маърифий, мафкуравий ишлар яхши йўлга қўйилган. Ўғил-қизларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларида Башорат Жалилова бош-қош. Фан, спорт, санъат тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидан Аъзамжон Қосимов *юборган мактубда Шарғун шаҳридаги истеъдодли болалар интернат-мактабининг ўқитувчиси Зуҳра Эсонова ҳақида ҳикоя қилинади.*

— Зуҳра Эсонованинг ҳар бир дарсни кўргазмали ва техник воситалар ёрдамида ўтиши, ўқувчиларининг вилоят миқёсидаги олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаши, педагогик ўқишларда маърузалар билан чиқиши, самарали меҳнати уни элга танитди.

Мактаб-интернатлардаги ибратли ишлар, устозлар ҳақидаги кўплаб мактубларни ўқиб, қанийди шундай ўқув масканлари бошқа вилоятларда ҳам кўпайса деб орзу қилдик.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб директори Бахтинисо Пўлатова *мактаб ўқувчиларининг кузги таътиллари қандай ўтгани ҳақида ёзади:*

— Кузги таътилда ўқувчиларимиз синовдан ўтишди. Қандай синов, деб ажабланманг. Фан олимпиадалари билан бирга "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан синов ўтказилди. 8-синф ўқувчилари Н.Илҳомова, У.Шарипова, Ш.Алимова, А.Адҳамов, ака-ука Умаровлар тайёрлаган папкалар намунали, деб топилди. Улар маънавият бўйича материаллар йиғиб папка тайёрладилар. Мақсадимиз — болаларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, қалби ва онгини миллий истиқлол ғоялари билан суғоришдир. Зеро, биз ҳуқуқий, демократик давлат қуряпмиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади

Қиз болаларда шу даврга хос яна бир хусусият бу даврдаги ҳар қандай ҳаракат, руҳий кечирилган ҳис-ҳаяжон ва бошқа шунга ўхшаш фаолиятлар уларнинг хулқига ниҳоятда тез ўрнашиб, жуда ғуқур одат тусига киришида кўринади. Демак, айни шу даврда тарбиянинг ўта масъул босқичи эканлигини оналар ёдларидан чиқармасликлари лозим.

ИЛК БАЛОҒАТ ДАВРИ

Инсон ҳаётининг энг жиддий ва ўта мураккаб босқичларидан бири — бу балоғат даври бўлса керак. Балоғат ёши деганда одатда биз 16-18 ёшларни кўз олдимизга келтиришга ўрганиб қолганмиз.

Биз бу ўринда илк балоғат ёши билан боғлиқ ўзгаришларнинг кечиш даврини, бу даврдаги тарбия ва унинг хусусиятларини назарда тутган ҳолда мулоҳаза юритмоқчимиз. Демак, табиатан бу даврнинг қиз болаларда 9-14 ёшларга, ўғил болаларда 11-15 ёшларга тўғри келади.

Бу даврнинг ўта мураккаб ва жиддийлигига кўра педагогик ва руҳшунослик илмий манбаларида ўтиш даври ҳам дейилади.

Табиат ўзининг буюк маҳсули бўлмиш инсонни туғилганида ҳаётга қанчалик мослашмаган қилиб яратганини инобатга олса керак, инсондаги бу камчиликни секин-секин тўлдириб боради. Инсон ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар даврларидан энг асосийси, энг қийинларидан бири бу — болаликдан илк балоғат ҳолатига ўтиш даврдир. Бу пайтда шахснинг бутун жисми, ва айниқса, руҳий барқарорлиги тубдан ўзгаради. Маънан олганда айни шу пайтда тўлиқ маънода шахслар жинсий турларга бўлинади. Шунинг учун бўлса керак, бу жинсий ўзгаришлар ўғил болаларда ва қиз болаларда анча фарқли равишда хилма-хил ўтади.

Бу ўтиш даврининг ўғил ва қиз болалар учун умумий томонлари ҳам жуда кўп. Табиатан олганда бу даврга етиб келишнинг ўзи ўғил ва қизларда икки хил кечади. Қиз болалар 9 ёшлардан жараёнга, ўғил болалар 11 ёшлардан бу жараёнга кириб келади.

Аммо ўтиш даврига жинсий етишиш фақатгина ёш билан боғлиқ бўлмай у кўп ҳолларда ижтимоий муҳит, овқатланиш, айниқса овқатнинг таркиби, овқатлар таркибидаги оқсил ва ёғларнинг етарли ёки ортиқлиги, ижтимоий муҳитнинг нормал, соғлом ёки чигалликлари билан бевосита ва ўта мураккаб ҳолатда боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ушбу ўтиш даврида ёшларда жинсий ўзгаришлар, яъни жинсга мансублик белгилари кучайиб, катталардаги ҳолатни олади десак, бу қиз болаларда 9-13, ўғил болаларда 11-14 ёшлар бўлишини унутмаслик керак.

Биргина овознинг ўзгариши мисолида айтадиган бўлсак, бу ҳол қиз болаларда у даражада сезилмасдан 10-11 ёшларида ўтиб кетади. Аммо ўғил болалардаги бу ўзгариш анча жиддий бўлиб, 12-13 ёшларда содир бўлади ва бу уларнинг руҳий ўсиш жараёнини турли хил ноқулайликларга солади.

Ўтиш даврининг яна бир ёрқин кўринишларидан бири бўлмиш ҳаяжонланиш жараёни иккала жинсда ҳам кенг, ёйиқ бўлишига қарамасдан қиз болаларда кайфиятнинг тез ва поляр ўзгаришларига олиб келса, ўғил болаларда ҳаракатнинг кескин ўсиши, оёқ, қўл, тана, бўйин ва бошқа аъзоларининг баъзи ҳолларда назоратга бўйсунмаган ҳаракатга тушиши билан ажралиб туради. Ўғил болаларнинг кўпчилиги ички бир изланиш руҳиятида бўлади.

Ўғил ва қиз болаларда ўтиш даврининг мураккаб ва жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда, ўғил ва қиз болаларнинг ўсиш жараёнидаги фарқига қараб, улар тарбияси хусусида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Табиат ўз ирсий қонунига асосан она қорнида бўлғуси фарзандининг жинсини белгилар экан, унга бутун фарқий белгиларини жойлашга шошилади. Балки, бу фарқлардан баъзиларининг анча йиллар керак бўлмаслиги доно табиат томонидан инобатга олинса керакки, уларнинг тараққий, ўсиш даври турли муддатга белгиланади.

Аммо, ҳаётий билим ва тажрибалари бор инсонлар бола туғилиши билан унинг жинсига қараб исм беришади, шу исм, шу фарқ бу мурғак жонни руҳий тарбияда тўғри йўналтиради. Айтиш лозимки, инсоният тарихида қалтис тажрибалар ҳам бўлиб ўтган, яъни оилада қиз, ёки ўғил туғилганида унинг аксини атрофдагиларга эълон қилиб, қиз бола туғилганда унга ўғилча исм қўйиб, ўғил болаларга бўладиган муомала бола руҳига сингдириб борилган. Натижада белгиланган муддат ўтгандан кейин ўша шахс руҳидаги табиий ўзгаришлар жараёни бошланиб, натижада ўша шахснинг ҳаёти фожиага айланиб кетган.

Шундан хулоса қилиб айтиш керакки, жинсан қиз бола бўлиб туғилган гўдакка анъанавий қиз болаларга таалуқли бўлган исм қўйишнинг ўзи ушбу шахснинг руҳига ижтимоий таъсир саналади. Биз гўдакка Саодат деб исм қўяр эканмиз, унинг ижтимоий ҳаётида аёллар жинсига мансублигини гўдаклигидан онгига чуқур сингдирамиз. Бу гўдак тарбиясида биринчи қадам бўлса, иккинчи қадам ушбу гўдакка унинг жинсига қараб кийим-бош танлаб кийинтиришимиздир. Учинчи қадам, атрофдагиларни ушбу шахсга нисбатан унинг жинсига мутаносиб равишда муомалада бўлишга ўргатиш ва бошқалар.

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

6-мақола

Маълумки, болалар камида 3 ёшларгача ўзларининг у ёки бу жинсга мансублигини фарқлай олмайди. Бу даврда болалар ўртасида табиий "бир жинслик" даври кечади. Жисман қиз болага Саттор деган исм қўйиб унга тўппончалар бериб тарбиялайвериш мумкин. Аммо сўз қудрати боланинг руҳига кенгроқ синга бошлаши билан (бу 1,5 ёшларда фаол бошланади) бу ҳазиломуз ҳаракатлар кейинчалик фожеавий натижа бериши мумкин. Болада табиий ўзгаришлар шу вақтларнинг ўзида сезила бошлайди. Илк балоғат даврининг бошланишига келсак, 5 ёшларда ўғил болаларда бўй ўсишининг бироз сусайишини кузатамиз. Қиз болалар ҳар томонлама ўғил болаларни орқада қолдириб кета бошлайдилар.

Айниқса, 10 ёшлардан 14 ёшгача қиз болаларда ўта кескин бўй (жинсга алоқадор ва жинсга мутаносиб) ўсишини кузатамиз. Кўп ҳолларда бу кескин ўзгаришлардан бировлар хижолат тортса, бошқалари ўзларидаги бу ўзгаришни кўз-кўз қилишга мойил бўлишади. Демак, айнан шу борадаги тарбия уларнинг ушбу руҳига мос олиб борилиши лозим. Ўз ўсишидан уялган қизалоққа бу ўсишлар табиий бир ҳол, деб далда берилса, бўйи ўсишидан мағрурланган, бу ўсишларни кўз-кўз қилаётганини тантиқликдан асрамоқ керак бўлади.

Қиз болаларга хос ўзгаришлардан яна бири, нафас олиш мароминнинг бузилишидир. Уларда юрак иш фаолияти ўғил болаларникига қараганда бошқачароқ кечади, ҳаяжонланиш ва ҳиссиётга берилиш ортиб боради. Орзумандлик кучаяди. Ушбу ўзгаришларнинг кучли кечиши сабаб қиз болалар йиғидан кулгига, кулгидан йиғи ҳолатига тез-тез ўтиши оддий ҳол бўлиб қолади. Хулқларида аразчилик ортади, ва айниқса, оналар эътибор берадиган бир хусусият, танқидий назар бўй етаётган қизларда жуда кучайиб кетади. Улар ўз отаонаси, ака-укаларига танқидий фикр билдираверади. Бу ҳолат салбийроқ қабул қилинган ҳолда можаро ва баҳслар, ҳатто низолар кескинроқ тус олади. Бу ҳолнинг ниҳоятда ёрқин намуналарини бизнинг шарқ оилаларидан фарқ қиладиган оврўпаликлар оиласида кузатса бўлади.

Маълумки, айни шу ўтиш, илк балоғат даврида жинсларнинг умумий кўриниши тўлиқ шаклланади, дедик. Қиз болаларда юз-кўз тиниқлашади, қомат аёлларга хос шаклни олади-да, табиий ҳолатига келади.

Айни шу жойда тос суякларининг ўсиш ва шаклланиш жараёни ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, оналар ўз қизларини нафақат пошнаси баланд туфли кийишга, қолаверса, бундан ҳам жиддийроқ салбий натижа берадиган оғир юк кўтаришга йўл қўймасликлари лозимлигини уқдириб ўтмоқчимиз.

Маълумки, бу даврда ҳали болаларда, шу жумладан қиз болаларда аъзолар ҳаракат аниқлиги нормадан анча паст бўлади. Демак, ота-оналар, мактабдаги ўқитувчи ва тарбиячилар болаларнинг баскетбол ўйинида ҳалқага тўпни аниқ тушира олмаганликларини тўғри қабул қилишлари лозим. Яъни, бунинг учун уларни койимаслик керак, чунки ҳаракат аниқлиги уларда ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган.

Қиз болаларда энг катта ўзгаришлардан бири бўлмиш жинсий етилиш, ҳали бу борада тажрибасиз қизга ноқулайликлар туғдириши, ҳушёр она ёнида бўлмаган тақдирда уларни саросимага солиши турган гап.

Кўпинча, айни шу даврда қиз болаларда пардоз-андозга мойиллик кучаяди. Шу ўринда, одатда пардоз-андозга қачон ижозат бериш керак, деган табиий савол туғилади.

Пардоз-андозга ёш, эндигина гул фаслига кираётган қизалоқда эҳтиёж йўқлигини унга тушунтира олиш керак. Аммо шу жойнинг ўзида, агар унда бирор табиий ҳолда пардоз-андозга эҳтиёж бўлса, ушбу тадбирнинг бундан буён доимо зарурлигини катталар ўргатгани маъқул ва зарур.

Айни шу жойда юқорида айтиб ўтилган табиий ўзгариш билан боғлиқ яна бир қиз бола хусусияти, унинг шахсий гигиенаси ва қолаверса, келгусида оила бекаси учун зарур бўлган тозалик, озодаликка ўргатиш ҳисобланади.

Қиз болаларда шу даврга хос яна бир хусусият бу даврдаги ҳар қандай ҳаракат, руҳий кечирилган ҳис-ҳаяжон ва бошқа шунга ўхшаш фаолиятлар уларнинг хулқига ниҳоятда тез ўрнашиб, у ҳатто одат тусига ҳам киришида кўринади. Демак, айни шу даврда тарбиянинг ўта масъул босқичи эканлигини оналар ёдларидан чиқармасликлари лозим.

Шу пайтда оналар қизларига жинс, уларнинг фарқи, ҳатто жинсий муносабатлар ва унинг натижалари ҳақида етарли маълумот бера олишлари зарур.

Инсон руҳиятига табиатан сингдирилган оналик кўникмаси кенг маънода айни мана шу даврда тўлиқ ижтимоий кенгликда оналик тушунчасига айланиши зарур. Буни ёш жувоннинг руҳига, онгига, юриш-туришию, ҳаракат ва орзу умидларига чуқур маънода ўрнатиш учун кенг тарбиявий тадбирлар ва кундалик ҳаракат лозим. Кундалик тарбиявий ҳаракат она, оила, тарбиячилар томонидан доимий олиб борилиши билан бир қаторда, алоҳида олиб бориладиган назарий ва амалий машғулотлар ҳам мактаб, поликлиника ва бошқа ушбу тарбияга қаратилган тизим томонидан муттасил олиб борилиши керак. Аммо бугунги кунда ўсмирларни, айниқса, қизларни оилага, оналикка тайёрлашда ва умуман бу тарбия йўналишида бизда етарли равишда йўлга қўйилган тарбиявий тизимимиз бор, деб айта олмаймиз. Шундай экан бу борада мутахассисларнинг кенг фикр ва мулоҳазаларини йиғиб амалий ишларга киришиш керак.

(Давоми бор)

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

Ўқишим тартнома асосида. Ота-онам эса менга ўқишим учун катта маблағ топиб бериш имкониятига эга эмас. Шу боис, маблағни ўзим ишлаб топишим керак.

Ma'rifat

Спортни ёшлик, гўзаллик ва саломатлик тушунчасидан айрича англаб бўлмайди.

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ

17 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО ТАЛАБАЛАР КУНИ



Ёшлик — қайтмас давр, умрнинг баҳори деб айтиш мумкин бўлган гўзал бир фасл. Донишмандлар нақл қилишадики, ёшликда эгалланган илм тошга ўйиб битилган нақш каби эмиш. Бугунги ёшлар нақадар илмга ташна, нақадар тиришқоқ. Тошкент Давлат аграр университетининг магистранти Алишер Шоумаров ўз тенгқурлари ичида ҳар томонлама фаоллик кўрсатганлиги учун Президент стипендиати деган юксак ва шарафли номга сазовор бўлди.

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат

17 ноябрь ҳар йили ёшлар ҳаётида муҳим сана сифатида нишонланади: Халқаро талабалар куни. Талабалар эса курраи заминда минглаб, миллионлаб. Улар турли миллат, элат ва динга мансуб бўлишларидан қатъи назар, муддаолари ягона. Ривожланган, ривожланаётган давлатлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари дунё ёшларини бир мақсад теграсида уюштириб турибди. У ҳам бўлса илм-маърифат олами.

17 ноябрь санаси Ўзбекистондаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам кенг миқёсда байрам қилинади. Қуйидаги саҳифамиз ана шу санага бағишланган ва ундан талабалар ҳаёти билан боғлиқ лавҳалар ўрин олган.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ МАКТУБ

Интернет дунё ёшларининг энг тезкор, қулай ва фойдаланиш имкониятлари чексиз ўзаро алоқа воситасига айланиб қолди. Унда миллионлаб сайтлар мавжуд. Ана шу сайтлар орқали тўғридан-тўғри ўша объектни билиш, маълумотлар йиғиш мумкин. Ҳозирги вақтда хорижий давлатларда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар интернет орқали ўз дўстлари, курсдошлари билан боғланиб туришибди. Шулардан бири Тошкент Давлат авиация институтининг бакалаврлик босқичини тугатиб, магистратурани АҚШнинг Рочестер технология университетида давом эттираётган Усмон Машариповдир. Усмон курсдоши ва яқин дўсти Музроб Дўстов билан ўз электрон почталари орқали "дийдорлашиб" турибди.

"Ассалому алайкум, дўстим Музроб!

Мен соғ-саломат етиб келдим. "Умид" жамғармаси авиабилетларни бизга кечроқ олиб берганлиги боис, парвозимиз 25-28 август кунларига эмас, 2 сентябрга қолди. Ўша куни кечқурун "Boening 767" рейсида парвозимиз бошланди. Киевда икки соат тўхтадик. Кейин Украина, Польша, Германия ва дengизлар оша Англия, Атлантика, Канада ва ниҳоят АҚШга етиб келдик. Самолётдаги хизмат кўрсатиш маданияти аъло. Уч маҳал иссиқ овқат, оралиқ вақтларда турли ичимликлар. Германия 10600 метр баландликдан жуда чиройли кўринар экан.

Рейсимиз Польша, Германия ва Атлантика океани устида бир-бир қаттиқ силкинди. Мени қўрқув босди, кўз олдимда авиалайнерлар ҳалокати гавдаланди. Ишонасанми, йўқми, машиналар ҳам кўринди. Атлантика океанидаги кемалар, муз бўлаклари ҳам кўз ўнгимда. Мен самолётнинг ўнг тарафида ўтирганим учун ҳамма нарсани яққол кўра олдим. Чап тарафдагиларга бутун парвоз давомида қуёш тушиб турди. Америка вақти билан 15.30. Кеннеди аэропортига қўндик. Бу ерни самолётлар шаҳарчаси дегинг келади. Шу ондан эътиборан, мен учун саргузаштларга бой ҳаёт бошланди.

Аэропортдан бизнинг университетгача масофа узоқ, аммо у ерга тезроқ етиб боришим керак. Аэропортдан чиққач, 10.45 даги автобусга миндик. Роппа-роса 6 соатдан сўнг манзилимизга етиб келдик. Бизга ажратилган хонада катта музлаткич, электр плита, қалин гилам тўшалган, мебель деб айтиш мумкин бўлса, тахмонга ўхшаган шкаф турибди. 2-3 кун ўша қалин гилам устида чойшаб солиб ухладим, кейин 140$ га матрац харид қилдим. Магазинларга бордим, қутубхоналарга кирдим. Бассейн, футбол майдонида мазза қилиб ўйнаяпмиз.

Музроб, куни кеча биз Рит шаҳарчаси ҳокимининг уйига бордик. Бейсбол ўйнадик, унинг ўзи бизга тўпларни отиб турди. Бу ерда арчалар тиқилиб ётибди, олмахонларнинг сакраб ўйнашидан кўзинг қувонади. Ўйимизнинг орқа эшигини очсам, уларнинг югуриб юрганини кўраман. Ҳавоси Тошкентникига ўхшаяпти. Ниагарага яқинда бориб қолишим мумкин. Бугун авиамоделчилар клубига бориб ёзилдим.

Айтгандай, бир йил олдин Accels орқали келган бир акахон билан учрашдик. У камераси билан расмга олди, яқин кунлар ичида беради. Мен ҳозир қутубхонада ўтирибман. Тошкентдан 9 соат орқадамиз. Бўпти, Музроб, ҳали ҳеч кимга бунчалик узоқ мактуб ёзмагандим. Болаларга салом айт. Ёз, кутаман. Усмон. Яна интернетда учрашгунча".

"КАМОЛОТ" КАМОЛОТ САРИ

Яхши ният, эзгу мақсад билан бошланган ишнинг интиҳоси ҳамиша хайрли бўлган. Кимки ўз келажаги, айниқса, фарзандининг эртасини ўйлаб, улкан ишга қўл урар экан, уни халқ маъқуллайди, олқишлайди, бунга ёшлар ҳам бефарқ турмайди.

Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидаёқ ёшлар камолотини ижтимоий масала даражасига кўтарганлигида катта маъно бор. Негаки, ёшлар — жамиятимизнинг асосий таянчи. У қанчалик мустаҳкам бўлса, Ватанимиз шунча равнақ топади, тараққиётимиз суръати шунча тезлашади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент Фармацевтика институти бошлағоялари билан институт раҳбарияти қабулига чиқиб туради. Чунончи, йил бошида 22 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳомийлик кўрсатилишини сўраган эдик, таклифимиз ерда қолмай, уларга ЖАР спорт мажмуига 6 та тур бўйича бепул йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, анча қаровсиз аҳволга тушиб қолган спорт залини таъмирдан чиқариш ҳақидаги таклифимиз ҳам инобатга олинди. Зал таъмирланди, жиҳозлар келтирилди. Стол тенниси қўшимча тарзда фойдаланишга топширилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вазифалари кўлами чекланмаган. 30 нафар иқтидорли талабалар ажратиб олиниб, уларга институт ҳомийлигида инглиз тили курслари очилди. Касбий маҳорат талабалик йилларида шакланиб бориши керак. Бу ҳам эътиборимиздаги масала бўлиб қолаётир. Республика дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига тез-тез уюштирилаётган саёҳат бу мақсадни рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этаяпти.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ниманики, қачонки амалга оширмасин, унинг замирида ёшларни камолот манзилига етказиш мақсади туради. Бошланғич ташкилотимиз ўз кенгаши атрофига 9 кишини жалб қилган. Йўналишлар эса хилма-хил: ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт-соғломлаштириш, халқаро фаолият. Бошланғич ташкилот институт раҳбарияти ва ундаги бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро самаслаҳат, бақамти ишлашни ўз бурчи деб билаяпти. 2002—2003 ўқув йили бошланмасдан аввалоқ бошланғич ташкилотимиз ўзининг йиллик режасини тузишга киришиб, сентябрь ойида уни институт раҳбарияти томонидан тасдиқлатиб олди. Ҳадемай бошланғич ташкилотнинг ҳисобот йиғилиши ўтазилади ва унга 1200(аъзолар билан) нафар талабанинг бирига ўзини дахлдор деб билади. Учрашув ва суҳбатларда ёшларнинг дунёқараши кенгайишини назарда тутиб, тез-тез жонли, юзма-юз мулоқотлар уюштирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг бошида 200 га яқин талаба республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши марказ ходимлари билан учрашишди.

"Камолот" бундан ташқари, ўзининг яхши-яхшиғич ташкилоти ёшларни маънан баркамол, руҳан тетик, умуман соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашга бош қўшаяпти. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида "Мен Ватанга нима беришим керак?" деган саволни ўз олдига қўя билган ёшлар бирлашган. Бугунги кун замон ёшларидан шуни талаб қилади. Бошланғич ташкилотда, айниқса, таълим борасида янгича сабоқ олиб, дунёга очиқ кўз, янгича нигоҳ билан қарашга интилаётган ёшларимиз сардор бўлиб, бошқа тенгдошларига ўрнак бўлмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ақлзаковати, билимини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш юзасидан кўплаб ишлар олиб бормоқда. Институт бошланғич ташкилоти ёшларнинг ҳар томонлама сунянчи ва таянчи бўлишдек вазифани бажаряпти. Хусусан, "Камолот" институтдаги таълим-тарбия ишларининг ҳар бирига ўзини дахлдор деб билади. Учрашув ва суҳбатларда ёшларнинг дунёқараши кенгайишини назарда тутиб, тез-тез жонли, юзма-юз мулоқотлар уюштирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг бошида 200 га яқин талаба республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши марказ ходимлари билан учрашишди.

"Камолот" бундан ташқари, ўзининг яхши-яхши

Yoshlar tashkiloti

ИШЛАЁТГАН ТАЛАБА

ўзининг моддий эҳтиёжларини қоплай олади. Бироқ...

Талабанинг моддий эҳтиёжлари пул билан боғлиқ. Унга ойлик чиптa керак. Бунга қўшимча тушлик, кийим-кечак дегандек... Аммо, талаба булар билан ҳам чеклана олмайди. У ҳордиқ чиқаргиси, кино, спектаклга боргиси келади. Бундай томошалар эса текин эмас, албатта. Бундан ташқари, талабага ўқув қуроллари ҳам зарур. Чекадиган йигит учун сигарета ташвиши...

Талабанинг "маоши" бир ойлик ҳаражатларининг ярмини ҳам қопламаслиги аёндир. Ота-онадан доим ҳам пул сўраш ноқулай.

АҚШ, қатор Европа ва айрим Осиё мамлакатлари олий таълим муассасаларидаги университетлар ўз мавқеи ва нуфузига қараб ҳар бир талабанинг ўқиши учун ҳар йили 10 мингдан 100 минг АҚШ долларигача шартнома асосида пул тўлаб ўқишни талаб этади. Шу маблағни тўлаган талаба бу билан ўқиш давомида бутун моддий ташвишлардан қутулдим, деб бамайлихотир ўқий олмайди. Боиси, олий ўқув юрти талабасига ўқиётганлиги сабаб биздаги сингари стипендия тўланмайди. Унинг кундалик яшаш шароити учун зарур маблағни ишлаб топиши ҳам ўз зиммасига юкланганини яхши англайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, чет эллик талабалар жамиятда ўзининг моддий ва маънавий эркинликлари таъминланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Хорижлик талабанинг иш жойлари — "MacDonalds" хизматчиси, ресторанлар официанти, ёхуд идиш ювувчиси, супермаркет кассирлари, кутубхона ходими, қўйингки, университет лаборантидан тортиб, компьютер операторигача бўлган кўпгина вазифаларни бажариб, "кундалик эҳтиёж"га пул топишади. Хорижлик талабалар учун қай тарзда иш билан шуғулланиш эмас, муҳими, қандай бўлмасин бўш ишчи ўрнини топиш муҳим саналади.

Ривожланган давлатлардан фарқли равишда, мамлакатимиз олий ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларга ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Республикамиз олий таълим муассасалари ҳар ойда талабанинг ўзлаштиришига қараб белгиланган миқдорда стипендия билан таъминлайди. Бундан ташқари, талабанинг касбий маҳоратини талабалик давридаёқ ошириб боришига эътибор қаратилган ҳолда, бевосита ўз касбий фаолиятига доир иш билан ҳам таъминланади.

Демак, бизнинг талабалар ортиқча қийинчиликларсиз чет эллик тенгқурлари каби мустақил ишлаб, пул топиш, ўз касбий кўникмаларини ошириш имкониятига эга. Хўш, ишлаётган талабалар бугун қаерда ва қандай фаолият билан шуғулланяптилар? Уларнинг ўқишга муносабати қандай? Иш ўқишга халақит бермаяптими? Талабанинг ишлаб топаётган маблағи эҳтиёжларини қондираяптими?

Яхши, буни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари мисолида кузатамиз.

Абдувоҳид СУЛАЙМОНОВ, ассистент:

— Мен университетнинг немис филологияси факультетида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Магистрантман. Ишлаётганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Факультетдаги устозларим ишлаш учун имконият яратиб беришди. Мен бунинг учун улардан миннатдорман. Факультетда ўз билимларимни янада бойитиш, такомиллаштириб бориш, билмаганларимни ўрганиш учун ҳам ишлаяпман. Фаолиятим қизиқарли.

Баъзан ўзимнинг ўқув машғулотларим билан талабаларимнинг дарс соатлари бир вақтга тўғри келиб қолади. Шунда талабаларимнинг дарсини бошқа соатларга қўйишларини илтимос қилишимга тўғри келади.

Александр КОСУХИН, лаборант:

— Мен техник воситалар бўлимида лаборант бўлиб ишлайман. Талабаларга сабоқ беришда фойдаланиладиган аудио-видео жиҳозлар таъминоти, уларнинг соз-носозлигига жавобгарман Ишлаш ўқув жараёнига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Чунки, бу танаффус пайтларига тўғри келади. Ишнинг қолган қисмини дарсдан сўнг бажараман. Баъзан кечки соат 7-8 ларгача қолиб, носоз асбоб-ускуналарни тузатаман.

Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш талаба учун оғир. Шахсан менинг фикримча, талаба 4 ёки 6 йил давомида фақат ўқиш билан шуғулланиши зарур. Лекин у моддий жиҳатдан бақувватроқ оиланинг фарзанди бўлмаса, ишлаб ўз эҳтиёжини қоплашдан қочмаслиги керак.

Комила УСМОНОВА, маркетинг мутахассиси:

— Тошкентдаги маркетинг тадқиқотларини ўтказишга ихтиосослашган марказда фаолият кўрсатаман. Бўш вақтларим кўплиги ишлашимга имкон яратади. Жамоатчилик билан ишлаш, уларнинг дунёқараши, маданияти, қизиқишларини ўрганиш ҳар бир киши учун ҳам қизиқарли. Кишилар айни пайтда кўпроқ нималарга эҳтиёж сезишаяпти? Нималарга интилиб яшаяпти? Нималардан қайғуриб, азият чекишаяпти? Бу саволларнинг барчаси марказ томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда ўз аксини топиб боради.

Давлат гранти асосида ўқийман. Моддий етишмовчилик юзасидан эмас, ўз хоҳишим ва қизиқишим боис ишлайман.

Оксана АЛЕКСАНДРОВА, журналист:

— Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг "Ахборот" таҳририятида жамоатчи мухбирман. Ишимдан кўнглим тўқ. Ҳар куни турли янгиликлар йиғиб, экранга узатамиз.

Муаммо дейсизми? Фақат эрталабки тасвирга олишларда бироз муаммолар бор. Бу пайтда мен ўқишда бўлишим керак.

Бюджет асосида ўқиганлигим боис, ўз истеъдод ва қобилиятимни касбимга мослаб шакллантиряпман. Мақсадим, Ўзбекистон фуқароларини ўз юртларидаги янгиликлардан бохабар қилиш. Ахборот аслида ҳаммамизга керак.

Мирмуҳсин ҲАМИДОВ, мактаб ўқитувчиси:

— 2 йилдан буён Шайхонтоҳур туманидаги 19-мактабда ишлайман. Дастлаб мактаб қоровули вазифасини бажарган бўлсам, эндиликда айрим сабабларга кўра дарсга кела олмаган ўқитувчилар ўрнига сабоқ бераяпман. Болалар билан ишлаш мароқли. Яхшигина мояна ҳам оламан, бўш вақтимда сўмча.

Мен ҳам кўпроқ ўқиш тарафдориман. Аммо ишлаш ҳам тажрибани оширади.

Елена ЕРШОВА, аэропорт хизматчиси:

— "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига қарашли қўшма корхонада бир кун ишлаб, икки кун дам оламан. Ўқишим шартнома асосида. Ота-онам эса менга ўқишим учун катта маблағ топиб бериш имкониятига эга эмас. Шу боис, маблағни ўзим ишлаб топишим керак.

Анатолий КОНСТАНТИНОВ, интернет клуб хизматчиси:

Интернет клубда тунги соат 12 ёки 1 га қадар ишлайман. Интернетнинг ишқибозлари кўп бўлгани боис зериқишга, қўл қовуштирибгина ўтиришга вақт йўқ.

Очиғини айтганда, бугун ишлайдиган талабанинг ўқишида самара камроқ. Унинг кечаю кундуз меҳнат қилишига тўғри келаяпти. Бу талабанинг соғлигига путур етказмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бундан ташқари, Олий таълим муассасаларидаги таълим ҳам у даражада қониқарли эмас. Шу боис, айрим талабалар назарий билимларни эгаллашдан кўра, амалиётни афзал кўришади.

* * *

Ҳар бир талабанинг фикри унинг иш жойи сингари турфа хил. Сезиладики, уларнинг аксарияти ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди. Номлари келтирилган талабалар асосан кундузи ўқиб, дарсдан сўнг ишлашади.

Талабаларнинг кундузи ўқиб, тунга қадар ишлашини тарғиб қилиш ниятидан йироқмиз. Айрим талабалар ҳаттоки, репетиторликда ҳам ўз омадларини синаб кўрмоқдалар Бироқ, ҳар бир талабанинг қобилияти, лаёқати ва дунёқараши турлича бўлгани ҳолда, уларнинг фаолияти ҳам хилма-хил. Мақсад эса ўзини ўзи таъминлаш, қоларверса, ўз соҳаси бўйича тажриба орттириш. Хўш, талабаларнинг иш билан шуғулланишига ўқитувчиларнинг муносабатлари қандай? Бу ҳақда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Хусанбой ТОЖИМАТОВ қуйидаги фикрларни билдирди:

— Талабаларнинг ишга жойлашиши моддий етишмовчилик билан ҳам боғлиқ. Талабаларнинг кийим-кечак, ўқув қуроллари, тамадди каби моддий ва маънавий эҳтиёжлари сиз билан биз-никидан кўп бўлса кўпки, кам эмас.

Ҳам ўқиб, ҳам ишлайдиган талабанинг билим савияси кўпчилик ҳолларда анча паст бўлиши табиий. У ишдан сўнг чарчайди, етарли дам ололмайди. Бугунги топширқни бажаришни кейинги суради. Ишловчи талабанинг бир қатор ижобий томонларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ота-онасига қарамликдан у кисман балки, батамом қутулар... Айниқса, вилоятлардан келиб таҳсил олаётган талабалар анча-мунча муаммоларга дуч келишади. Демак, талаба ишласа, ота-онасининг мушкулини осонлаштиради. Иккинчидан эса, ўз танлаган соҳасида ишлаётган талаба назарий билимларини амалиётда пухталаб боради. Қисқаси, талабанинг ишлаш-ишламаслиги ўз ҳукмига ҳавола. Бизнингча эса, у "сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаслиги" керак.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

Ta'kid

Президентимиз башорат қилганларидек, ҳеч қайси соҳа юртни спортчалик машҳур қила олмайди. Ўзбекистон ҳам ўзининг спорти билан дунёга донг таратмоқда. Спорт эса ёшларни ўзига тортувчи ва жалб қилувчи энг фаол соҳадир.

2000 йилда ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати Россиянинг

ЮРТНИ СПОРТ ТАНИТАДИ

Тверь шаҳрида бўлиб ўтган ва унда мен оддий иштирокчи сифатида қатнашгандим. 2001 йилда худди шу манзилдаги ёшлар чемпионатида иштирок этиш ва миллий кураш бўйича биринчи ўринни эгаллаш насиб қилди.

2002 йил. 18—20 октябрь... Юртимизда самбо бўйича XI Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Агар аввалги чемпионатларда мактаб ўқувчиси сифатида иштирок этган бўлсам, бу галгисида талаба эдим. 12 та давлатдан чемпионатга ташриф буюрган спортчилар бир-бирлари билан самбо бўйича куч синашдилар. Жумладан, ЖАР спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган мусобақаларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиядан келган самбочилар устидан ғолиб чиқиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим.

Спортнинг бирорта тури билан шуғулланаётган тенгқурларимнинг дунё миқёсидаги чемпионатларга чиқишларини, ғолиб бўлишларини истар эдим. Чунки, спортни ёшлик, гўзаллик ва саломатлик тушунчасидан айрича англаб бўлмайди.

Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти 1-курс талабаси

Суратда: Олим Равшанов ҳаётидаги унутилмас лаҳзалар.

Бухоро — улуғ алломалар руҳи кезиб юрган қадимий ва навқирон шаҳар. Бугунги бухоролик ёшларнинг ҳам ўз аждодлари анъанасига содиқ эканлигини ҳар бир соҳада кузатиш, ҳис қилиш мумкин. Айниқса, таълим соҳасидаги ўзига хос янгилик ва тажрибалар вилоят ёшлари манфаатига қаратиляпти.

Бухоро тиббиёт институти ҳам илм-маърифат "қайнаган" жой. Институт талабаларининг энг севимли гўшаси бу кутубхонадир. Бу ерда қўлма-қўл бўлиб титилиб кетган адабиётлардан тортиб, энг сўнгги илмий-сиёсий китоблар ҳам бор.

Суратда: талабалар кутубхонада.

СЎЗ — УЛКАН ХАЗИНА

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, нутқий салоҳиятини такомиллаштириш изланувчанлик ва ижодкорликни талаб этади. Дарсда турли ўйин-топшириқлардан фойдаланиш самарали натижа бериши ҳам сир эмас. Турсуной Зиёдованинг "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш" номли методик қўлланмаси 8 бўлимдан иборат бўлиб, "Сўз — улкан хазина", "Нутқ санъати", "Ўқитувчи масъулияти" бобларида қайта хотирлаш ўйин-топшириқларини ўтказиш усуллари; ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқий вазиятга мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда ифодалаш кўникмаларини қай тарзда шакллантириш, ривожлантириш мумкинлиги; луғат, сўз устида ишлаш, ўқувчи сўз отиши билан аҳамиятлидир.

"Тилсим" топшириқлари бобида ўйин-топшириқлардан тилшуносликнинг ҳар бир бўлими, жумладан, "Фонетика", "Психология"дан намуналар берилган бўлиб, булардан фойдаланиш ўқувчини тезкорлик, зукколикка ўргатади. "Зинапоя", "Ким омадли?", "Пирамида" ўйинлари орқали ҳар бир ҳарфдан сўз ясашга ўқувчини ундаш ҳам фойдалидир. Масалан, "туркий" сўзининг ҳар бир ҳарфидан янги сўз ясаб, зинапоя шаклида қуйидаги сўзларни ва шу сўзлар иштирокида бирикма, гапларни ҳосил қилиш мумкин:

Тол
Улоқ
Рихси
Кимхоб
Истеҳзо
Йўлбошчи

"Узум пишди, боққа туш" ўйинида эса бутун синф болалари қатнашиши мумкин. Китобда бундай ўйин намуналари кўплаб берилган. Ўқитувчилар улардан дарс жараёнида бемалол фойдаланишлари мумкин.

"Талаффузи қийин бир бўғинли сўзлар луғати" илова тарзида берилган. Луғат ўқувчини саводли ёзишга ўргатади.

"Грамматик жадвал орқали ўрганиш" бўлимида берилган жадваллар "Сўз маънолари устида ишлаш", "Сўзларнинг тузилиши жиҳатидан турлари", "Отларнинг ясалиши", "Сифат даражалари", "Феъл шакллари" каби мавзуларни ўрганишда қўл келади.

Хуллас, она тили ўқитувчилари учун чиқарилган бу методик қўлланма ўқитувчиларга манзур бўлади. Ундан фойдаланиш ва фикрмулоҳаза билдириш эса муаллимларга ҳавола.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

"ИШҚ — МАЪРИФАТ ҚАНОТИ"



Заҳматкаш олим Нажмиддин Комиловнинг кўплаб асарлари, ўлмас меросимиздан ўгирган таржималари ёш авлод тарбиясида катта ўрин тутади. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида чоп этилган "Ишқ — маърифат қаноти" (муаллиф Раҳим Воҳидов) эссе-китоби айнан заҳматкаш олим хусусида битилган. Унда навоийшунослик, таржима тарихи ва назарияси, Шарқ ва Ғарб адабиётининг бир-бирига ўзаро таъсири, тасаввуф илми, суфий шоирлар маънавий мероси устида жиддий тадқиқотлар олиб борган профессор Нажмиддин Комиловнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида бой далиллар асосида ҳикоя қилинади. Китобни ўқиган киши Беруний, Ибн Сино, Аттор, Жомий, Навоий, Воиз Кошифий, Ҳайём, Ҳофиз, Огаҳий, Бобожон Саноий, Азизиддин Насафий каби Шарқнинг буюк алломалари фикрларию қарашларидан ҳам бохабар бўлади. Шунингдек, олимнинг камолотга эришишида улуш қўшган В.Абдуллаев, Н.Шукуров, Қ.Муҳиддинов, А.Қаюмов, Н.Неъматзода, А.Афсаҳзод, Ғ.Саломовдек устозлар сабоқларидан хабардор бўлади.

"НУТРИЦИОЛОГИЯ"

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ҳамма соҳалари, жумладан овқатланиш, яъни нутрициология соҳасига ҳам қизиқиш бирмунча ортгани кузатилди. Ҳатто у давлат аҳамиятига молик муаммо санала бошлади. Овқат маҳсулотларининг бутун дунёда танқислиги ҳамда унинг одам организмига бўлган таъсирининг доимийлиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашга катта эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Илмий-техника тараққиёти даврида янги бошланган асрнинг асосий вазифаларидан бири озиқ-овқат манбаларини кўпайтиришдир. Бу соҳада нутрициология — овқатланишнинг тиббий муаммоларини ўрганувчи фан сифатида етакчи вазифани бажаради.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, тиббиёт институтларида шу кунгача ўрганиб келинган "Овқатланиш гигиенаси" фани ва шу соҳада ишлаётган олимлару мутахассислар билими ҳозирги кун талабига жавоб бермай қолди. Айни шуларни эътиборга олган олимлар, тиббиёт фанлари докторлари Шаҳобиддин Баҳриддинов ва Анатолий Худойбергановлар Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида "Нутрициология" дарслигини чоп эттирдилар. Ўзбек тилида илк бор чоп этилган мазкур дарслик овқатланишнинг тиббий муаммоларига бағишланади. Унда сўнгги ўн йилликда нутрициология фани соҳасида эришилган ютуқлар батафсил ёритилган.

Дарслик нафақат тиббиёт билим даргоҳлари талабаларию шифокорлар, балки бошқа соҳа кишилари учун ҳам аҳамиятлидир.



ДАВР ТАЛАБИГА МОС ЛУҒАТ

Инглиз тили дарсликлари ва луғатларига ёшлар ўртасида талаб ва эҳтиёж катта. Бу зарурий эҳтиёжни қондириш мақсадида Ж.Бўронов, Ш.Бўтаев, М.Ирисқулов ва К.Раҳмонбердиевлар "Инглизча — ўзбекча луғат" яратдилар. Республикада ҳали шу ҳажмдаги луғатлар йўқ эди. Тўғри, айрим соҳалар бўйича турли-туман луғатлар мавжуд, лекин улар тор соҳа мутахассислари учун мўлжалланган. Биз таҳлил қилаётган луғат барча учун ҳаводек зарур бўлган қўлланма бўлиб, унда ҳамма соҳа мутахассисларининг инглиз тилида фикр алмашуви учун зарур бўлган, нутқда энг кўп қўлланиладиган сўз ва иборалар берилгандир. Луғат ҳажми жиҳатидан унча катта эмас, унда 25.000 сўз ва иборалар киритилган. Шунга қарамасдан кундалик мулоқот учун бемалол етарли сўз ва иборалар берилган. Ҳар қандай хорижий тилда фикр алмашиш учун ўртача 5000 сўзни билиш кифоядир. Лекин соҳалар бўйича чуқур таҳлилий ва илмий изланишлар учун махсус луғатлар мавжуд ва яратилмоқда. Бу луғатнинг устунлиги унинг оммабоплигидадир. У мактаб ўқувчиларидан тортиб коллеж, институт ва университет талабалари ва ўқитувчилари учун, магистрант ва аспирантлар, таржима иши билан шуғулланаётганлар учун, инглиз тилини мустақил ўрганишни хоҳлаган барча соҳа вакиллари учун зарур бўлган қўлланма ҳисобланади.

Луғатнинг яна бир жиҳатини эътироф этиш ўринлидир. Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, унга эътибор янада кучайиб кетди. Айниқса, 1995 йилда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси ва ёзуви қабул қилингач, республиканинг барча мактаблари учун лотин графикаси асосида дарсликлар чиқа бошлади. Шуни эътиборга олган ҳолда муаллифлар луғатнинг ўзбекча қисмини лотин графикаси асосида беришган. Бу эса луғатнинг умри боқийлиги ва ҳеч қачон эскирмаслигидан далолат беради.



Луғат айрим камчиликлардан холи эмас. Кўпгина фаол сўзлар луғатда ўз ўрнини топмаган. Шу билан бир қаторда айрим фаол бўлмаган сўз ва иборалар луғатдан ўрин олган. Луғатнинг кейинги нашрларида бу нуқсонлар тузатилади, деган умиддамиз.

Маълумки, инглиз тилининг ёзилиши билан ўқилишида кескин фарқ бор, чунки инглиз тили ўз тараққиёти давомида турли ўзгаришларга учраган ва бу тилга бошқа тиллардан кўплаб сўзлар кириб келган, бу сўзларнинг ёзуви сақланиб қолса-да, талаффузини инглиз тили нормаларига яқинлаштириш мақсадида қисман ўзгартирилган. Шуларни бартараф қилиш мақсадида ҳар бир сўзнинг транскрипцияси ҳам берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу луғат давр талабига мос бўлиб, ҳар бир зиёлининг кутубхонасидан ўрин эгаллаши ва унинг келажакда яна кўп марта қайта нашр этилиши, шубҳасиз.

Раҳматулла АЛИМАРДОНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети инглиз тили кафедраси мудири

Саъдулла ҲАКИМ

ОНАЖОН

Онам Салоят Шукур қизи хотирасига

Кузги алвон боғлар каби
бағрим қон,
Яна сизни йўқлаб келдим,
онажон.

Нетай, ўксик кўнглим яна
бузилди,
Юрагимдан иссиқ ёшлар
узилди.

Энди билдим, сизсиз бағрим
яримдир,
Онасизлар бу оламда
ғарибдир.

Сиз-ку саксон беш баҳорга
етдингиз,
Фарзандларнинг бахтин кўриб
кетдингиз.

Шунча бўлиб менинг дардим
зиёда,
Ёш етимлар нетар экан
дунёда?

Қодир оллоҳ! Оналарга
тўзим бер,
Бахтин бутун, ёшнинг тўқсон,
юзин бер.

Соғ-саломат кимнинг бошда
онаси,
Онасизнинг ҳолин сезмас
танаси.

Онаси бор билмас асло,
ҳар ишда
Дуо қилиб турар бир пок
фаришта.

Оналикнинг бир гули минг
товланар,
Онасизнинг боғига қуш
ёвланар.

Оналикнинг дўппи тушар
бошидан,
Онасизнинг тошлар чиқар
ошидан.

Хонадоннинг шамчироғи
онадир,
Онасиз уй зулмат қучган
хонадир.

* * *

Гавҳар бериб онам каби
боққан тут,
Ёнингдаман. Ёдингдами
ҳар мавруд

Иккингиз тенг йўлим пойлар
эдингиз,
Қучоқ очиб кутиб олар
эдингиз.

То эр етиб қуйилгунча
босилиб,
Шохларингда ўйнар эдим
осилиб.

Миниб олиб баланд айри
шохингга,
"Алпомиш"ни ўқир эдим
гоҳида.

Оппоқ меванг, онам ёпган
ширмой нон
Лаззатини унутмасман
ҳеч қачон.

Бугун сени ёлғиз кўриб,
она тут,
Қайрилди ўқ еган қушдек
қанотим.

Сарғайтибди сочларингни
ғам юки,
Ажин босган юзларингда
нам юқи.

Бош устимдан кўз ёшларинг
тўкма, бас,
Кел, бағримга босай сени
бир нафас.

Остонангдан узилмасин
қадамим,
Онам бўлиб чорлаб тургил
қадалиб.

* * *

Не қиларим била олмай
энтикиб,
Гарашанинг тош йўлида
тентидим.

Йўл дедики: "Юрган етар
тилакка,
Энди кўнгил қўйма мендан
бўлакка.

Боқ, бағримда онажонинг
изи бор.
Ҳар изнинг ўз тарихи,
ўз сўзи бор.

Сут кўтариб ўтганлари
ёдимда,
Сув кўтариб ўтганлари
ёдимда.

Бир гал мушфиқ юрагини
ҳовучлаб,
Шошиб ўтди сени маҳкам
опичлаб.

Ҳароратинг куйдирарди
танини,
Бу сен ўша гўдак эдинг,
танидим.

Ўтди бари, дея фақат
ғам ютма,
Ҳар гардимда онанг ёди,
унутма!".

* * *



Шовуллаган Гарашасой
бўйида,
Ўтирардим буюк армон
ўйида.

Сувдан садо келди: "Мени
тўйиб ич,
Ёшликдаги каби бошинг
қўйиб ич.

Қўлларини ўпиб-ўпиб
оққанман,
Онанг билан бирга сени
боққанман.

Олис кетсанг, юрак-бағри
сўкилиб,
Ўтирарди менга ўйчан
тикилиб.

Бағримга боқ, очиб кўнгил
кўзини,
Кўражаксан онажонинг
ўзини.

Гарашасой, Гарашасой,
сой онам,
Сени энди танидим-а,
вой, онам...



* * *

Кузги алвон боғлар каби
бағрим қон,
Яна сизни йўқлаб келдим,
онажон.

Нетай, ўксик кўнглим яна
бузилди,
Юрагимдан иссиқ ёшлар
узилди.

Этагимдан тортди шамол:
"Йиғлама,
Йиғлаб яра бағрим яна
тиғлама.

Фарзанд учун азал қисмат
шу ўзи,
Она ўлмай, очилмайди
қалб кўзи.

Самоларда саслар кезар
илоҳий,
Она ўлмай, кардир фарзанд
қулоғи.

Тингла мени руҳинг бедор
палласи
Эшитилар онажонинг
алласи:

-Тош уйқуда ётур онанг,
йўқлама,
Сен ухлама, алла болам,
ухлама.

Руҳин ғафлат босса одам
чалажон,
Сен ухлама, алла болам,
болажон!".

* * *

Она дедим, тоғлар садо
бердилар,
Она дедим, боғлар садо
бердилар.

Райҳон деди: "ғам-ғуссани
қўй нари,
Менда қолди онангнинг хуш
бўйлари".

Қуёш деди чўзиб илиқ
кафтини:
"Менга берди онанг юрак
тафтини".

Тупроқ айтди: "Ҳар қадаминг
ўйлаб бос,
Онанг менинг бағримдадир
умрбод!".

9 ноябрь, 2002 йил.

Ҳурматли муштарийлар! "Ёзувчи" газетасига 2003 йил учун обуна давом этмоқда. "Ёзувчи"нинг нашр кўрсаткичи — 129, обуна нархи — 2000 сўм.

Обуна бўлишга шошилинг!

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлигига қарашли 10000 га яқин умумтаълим мактабларида жами 445474 ўқитувчи-педагог фаолият кўрсатмоқда. Шундан 290772 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бошланғич синфларда эса Республика бўйича 120541 ўқитувчи бўлиб, уларнинг 101734 нафари аёллардир... Бу — умумий ҳисобда ўқитувчиларнинг 3/1 қисмини эркаклар ташкил этади, деганидир. Агарда бу рақамнинг кўпчилик қисмини қишлоқ жойлари эгаллайдиган бўлса, шаҳарларда деярли эркак ўқитувчининг йўқлиги кўриниб қолмоқда. Тошкент шаҳрида 18767 ўқитувчи бўлса, шуларнинг атиги 1188 нафаригина эркак ўқитувчилардир.

МАКТАБГА ҚАЙТИНГ, ЭРКАКЛАР...

Кенжа ўғлимнинг ўқишга умуман ҳуши йўқ. Мактабга мажбурият юзасидан бориб келади. Бироқ зеҳни ўткир. Бинойидек шеър, ҳикоялар ёзади. Ўқишга лоқайдлиги, тўғриси, биргина унинг айби эмас. Маълумки, бошланғич синфларда болага билимнинг асоси, яъни пойдевори берилади. Ўғлимда ана шу пойдевор бўш. Негаки, у бошланғич синфни тугатгунча учта ўқитувчининг қўлидан ўтди. Биринчи синфда анча тажрибали ўқитувчи ўқитди. Афсуски, ёзда у туғруқ таътилига чиқиб кетди. Иккинчи синфда ёшгина қиз таълим берди. Болалар эндигина ўрганиб, ўқитувчи ҳам болалар тарбиясига тушуниб қолган пайтда у турмушга чиқиб, ишдан бўшади. Ноилож қолган директор бу синфни мусиқа ўқитувчисига топширди...

Коптоқдек қўлдан-қўлга ўтган болада ўқишга бўлган қизиқишнинг сўна бошлаши табиий.

— Ўзи аслида бошланғич синфни эркак ўқитувчига берсангиз бўларкан. Ана ўшанда бундай муаммо туғилмасмиди? — дейман, директор билан суҳбатлашаётиб.

— Қани ўша мард? Қани ўша муаллим? Ўқув йили якунланиши арафасида шу мақсадда вилоят педагогика коллежига бордим. У ерда бир ярим мингга яқин талаба таҳсил олади. Биласизми, шулардан нечтаси йигитлар: бор-йўғи 11 таси-я. Педагогика дорулфунунинг бошланғич синф муаллимлари тайёрлайдиган факультетида ҳам шу аҳвол. 50-60 қизнинг ичида тўртта ёки бешта йигитча қисиниб-қимтиниб ўтирибди. Бошланғич синфлар у ёқда турсин, фан ўқитувчилари орасида ҳам эркакларимиз саноқли. Мана қаранг: жамоамиздаги 45 педаогогнинг атиги олтитаси эркаклардир. Мактабларда ўтказиладиган турли тадбирлар, ҳашарлардан юрагим безиллайди. Ҳамма масъулият аёллар елкасига тушади. Ёзги таътил арафасида мактабни таъмирдан чиқариш жараёнини-ку, айтмай қўя қолай. Парталарни ташқарига ташиган, деворларни оқлаган, дераза-ю эшикларни бўяган ҳам аёлларимиз.

Лекин яна масаланинг ниҳоятда нозик бир томони бор. Энг ёмони бу нарса болаларимиз тарбиясига жуда жиддий таъсир ўтказаяпти. Мен муаллималаримиз ёмон ёки ўз фанини яхши билмайди, деган фикрдан йироқман. Уларга минг раҳмат. Бутун вужуди, бор истеъдодини сарфлаб меҳнат қилишяпти. Бироқ, биласиз-ку, оилада отанинг ўз ўрни, онанинг ўз ўрни бор. Ҳеч қачон бири иккинчисининг ўрнини босолмайди. Ота тарбиясини, ота ибратини олиб ўсган фарзанд, айниқса, ўғил бола эр кишига хос мард, шижоатли, ғамхўр бўлиб, йигитлик бурчини тўғри англаб вояга етади. Ахир, мактаб ҳам бир оила эмасми? Ҳазрат Амир Темур: «Ҳар бир эркак ота бўла оладур, лекин ҳамма ота ҳам устоз бўла олмайдур», деб устозларга жуда катта ишонч, ҳурмат изҳор қилади. Дарҳақиқат, устоз шогирдига нафақат чуқур билими билан, балки юриш-туриши, ўзини тутиши, ўзгаларга муомаласи, қилаётган иши билан ҳам ибрат бўлади. Уларнинг салобати бор, гулдираган овозидаги қатъият ҳар қандай эрка болани ҳам ҳушёр торттиради, у билан ҳисоблашишга мажбур қилади.

Бир пайтлар ўқувчиларимиз тарбияси анча бўшашиб кетганди, пана-пасқамга ўтиб, сигарет, нос чекишлар, дарслардан гуруҳ-гуруҳ бўлиб қочишлар содир бўлганди. Шунда мен маънавият ишлари бўйича ўринбосарликка тарих муаллимини тайинладим. Ишонасизми, икки ҳафта ичида мактабда интизом сезиларли даражада ўзгарди. Дарсга кеч қолиш, сабабсиз дарс қолдириш, қизларни ранжитиш каби кўнгилсиз ҳоллар бутунлай барҳам топди. Йигитчалар анча жиддий тортиб, мактаб ҳаётидаги фаолликлари ҳам ошди.

Кузатганмисиз, ҳозирги йигитчалар анча майда гап, лафзсиз, бирмунча лоқайд. Бу иллатнинг илдизи ҳам мактабда. Чунки ўқувчи асосан муаллималар қуршовида қолган. Бир кунда камида тўртта муаллима билан мулоқотда бўлган бола ўзи сезмаган, истамаган ҳолатда устози табиатидаги қайсидир жиҳатларни ўзлаштириб олади.

— Гапингизда жон бор, — қўшиламан мен, — кенжа ўғлим қизларга ҳозир қандай кўйлаклар-у қандай лаб бўёқлари урф бўлганини яхши билади. Бунинг устига гапларига кўпроқ қизлар ишлатадиган сўзларни аралаштириб юборади.

— Ҳа, баракалла, баъзи муаллималар ўқувчига эгнидаги кўйлагини қаердан олгани ёки қайси чеварга тиктиргани, моддий аҳволи, ҳатто у ҳақда ким қандай ғийбат қилганини ҳам гапириб бераверади. Бизнинг давримизда муаллима ёки муаллим биз учун ўқилмаган китоб, сирли олам эди.

Бугун ҳам ўқитувчи шундай бўлиши керак. Мактабда мамлакатимизнинг келажаги камолга етаяпти. Унинг таълим-тарбиясига бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тарбиячи тарбияланган бўлмоғи шарт. Тарбия ишончли қўлларда бўлиши керак. Бу вазифада ҳам, ҳамма жойда бўлганидек, биз эркакларимизга, оталаримизга суянамиз.

Бугунги кунда оилавий аҳвол, тирикчилик важидан ўзларини сердаромад соҳаларга урган жуда кўп ўқитувчиларимиз бор. Уларнинг мактаблардаги ўрни ҳувиллаб ётибди; уларнинг меҳрига, ибратига, ўгити-ю заковатига муштоқ ўқувчилар қалби кемтик, тарбияси номукаммал бўлиб қолмаслиги керак.

Директор билан яна анча суҳбатлашдим. Унинг дилидаги гаплар, менинг назаримда бугунги куннинг энг дардли, ўйлатадиган муаммоларидан бири эканлиги ҳақиқат.

Адашган муаллимлар, муҳтарам устозлар мени эшитяпсизми?

Маърифат масканига, навқирон қалбларга нур улашадиган маъвога, бамисоли ибодатхонадек қутлуғ маконга — мактабга қайтинг! Эзгуликни фарзандларимиздан бугун дариғ тутсак, эртага кеч бўлади.

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
Халқ таълими аълочиси

КЎЗГУДАГИ АРВОҲЛАР

Кўзгуда марҳумларнинг шарпалари пайдо бўлиши ҳақидаги воқеалар тарихда шу қадар кўпки, уларнинг лоақал бирортасини ҳам эшитмаган одамнинг бунга кўникиши амри маҳол.

Англияда XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошида фаол ишлаган психологик тадқиқотлар уюшмаси ўзидан кейин бунга ўхшаш ҳодисалар ҳақида бутун бир туркум-коллекция қолдирди.

Мюнхенлик 23 ёшли Клара Райсу билан қизиқ воқеа юз беради. Бир куни кўзгудан унга таниш бир эркак қараб турарди. Клара бирдан ёнига қарайди: ҳеч ким йўқ. Кечқурун Кларанинг эсига кўзгудаги шарпа тушади. Шарпа амакиси Генрих эканлигини танийди. Генрих бундан бир неча йил олдин АҚШга кетган эди. Эртаси куни унга амакисининг вафот этганлиги тўғрисида телеграмма келади. Бунга ишониш қийин: амакиси ўлган куни Клара уни кўзгуда кўрган экан.

Кўзгудаги шарпалар ҳақидаги мишмишлар руҳшунос Раймонд Маудини қизиқтириб қолди. Моуди мавжуд мишмишларнинг қай даражада ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини аниқлаш мақсадида илмий изланишлар олиб борди. У 10 йил «кўзгудаги шарпалар» билан шуғулланди.

Эски бир тегирмоннинг юқори қаватини арвоҳлар билан учрашув хонаси қилиб белгилади, уйнинг бир тарафига катта кўзгу ёпиштирди. Кўзгудан бир газ нарида ўриндиқ, ўриндиқнинг орқасига 15 Ваттли шишаси бўялган чироқ қўйилади. Фақат шу чироқ хонани ёритиб турар эди. Ушбу тажрибаси туфайли 10 та одам ўлган яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатишга улгурган экан.

Шулардан бири — «Сити Банк»да ишлайдиган 40 ёшли эркак эди. У онасини кўришни истайди. Онаси бир йил олдин вафот этганди. «Кўриш хонаси»га кириб, кўзгуда онасини кўришга муваффақ бўлади.

Ҳа, дунё сир-синоатга бой. Унинг ҳар бир тилсимотини англашга инсон ақл заковати камлик қилади. Балки инсоният ўзга дунё билан алоқа ўрнатишга ҳали тайёр эмасдир? Инсон руҳияти, чексиз Коинот ҳамон сирлигича қолмоқда.

Нигора Азимова
тайёрлади

Турсунбой АДАШБОЕВ

БИР ИЖОДКОР...

Бир ижодкор ҳаёт чоғида,
Куйиб-ёниб шуҳрат доғида,
Асқар тоғдан мармар
ўйдирди,
Сўнг, ўзига бюст қўйдирди.

Фотомухбир эди яқини,
Унга бериб меҳнат ҳақини,
Ниятини айлади аён,
Бюст билан ўзи ёнма-ён
Кўкка боқиб суратга тушди,
Қуйидаги сўз лабидан учди:
«— Бу — камина! Бу-чи —
келажак!
Менинг учун ҳисоб
беражак...»

* * *

«Сайланма» ҳам чиқди
нашрдан,
Ҳомийлар қолмади уятга.
Кўркам суврат, бюсти билан,
Ҳисса қўшди адабиётга...

МЕНИНГ АЙТГАНЛАРИМ ФАЛСАФА ЭМАС...

Ошо (ҳақиқий исми-шарифи — Брагван Шри Ражнес) — вақт дунёсидан чиқиб кетиш эшигини топди (У ўзини «асл экзистенциалист» дея атарди). Бутун умри давомида бошқаларни бу эшикни топишга ҳамда ўтмиш ва келажак хаёллари дунёсидан чиқиб кетишга абадиятга эришишга ундади.

Ошо 1931 йил 11 декабрда Ҳиндистонда, Мадья Прадеш штатининг Кучва қишлоғида дунёга келди. Болалигиданоқ ўзининг мустақил ва исёнкор руҳини намоён этди. Инсон ҳақиқатини фақат шахсий тажриба орқалигина билиш мумкин эканлигини исботлади. Бу тажриба ҳақиқатга, ўзликка етиш йўлидир. Ўзгалардан ўрганган илм ва қарашлар, бошқаларга тақлид инсондаги «Мен»ни батамом йўққа чиқаради, деб ҳисоблади.

21 ёшида академик таълимини олиб, Жабалпур шаҳридаги дорилфунунда фалсафадан дарс берди. Шу вақтларда у бутун Ҳиндистон бўйлаб маърузалар қилар, дин раҳнамоларини халқ олдида баҳсга чорларди. У бу ҳаракатлари билан Ҳиндистонда мавжуд кўпгина анъанавий эътиқодларни шубҳа остида қолдирди. Шу билан бирга у жамиятдаги турли қатламлар билан учрашди. 1960 йиллар сўнггида Ошо ўзининг динамик муроқаба (медитация) услубларини яратди.

— Бугунги кун одамларини ўтмишнинг қотиб қолган анъаналари, ҳар кунги ташвишлар шу қадар чулғаб олганки, улар фикрларсиз роҳатбахш муроқаба ҳолатига тушиши учун жуда чуқур покланиш жараёнини ўтамоғи лозимдирлар, — деган эди у.

1970 йилларда Ошони тинглаш учун Ғарбдан одамлар ёғилиб кела бошлади. Унинг атрофида коммуна яралди. Шундан кейин Ғарбдан оқиб келаётган ирмоқ дарёга айланди. Иш фаолияти давомида Ошо инсон онгига боғлиқ барча йўналишларни ўрганди: Зигмунд Фрейддан тортиб Чжуан Цзигача, Георгий Гуржиевдан тортиб Гаутам Буддагача, Исодан тортиб Муҳаммад (С.А.В.) гача. У барчасидан энг зарурларини интеллектуал тушуниш орқали эмас, балки ўзининг экзистенциал тажрибаси орқали танлаб олган. Улар ҳеч қандай анъанага тегишли эмас. «Мен умуман янги диний онгнинг бошланғич нуқтасиман, — деди у. — Илтимос, мени ўтмиш билан боғламанг: у эсга олишга ҳам арзимайди. Ўтмиш бизга бугуннинг ҳақиқатини беролмайди».

Ошо ва унинг шогирдлари, бутун дунё ҳақиқат изловчилари билан олиб борган суҳбатлари 600 дан ортиқ жилдда нашр этилиб, у 30 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Ошо: «Менинг айтганларим ҳеч қандай фалсафа ёки моҳият эмас. Сўзлаганларим ўзига хос алкимё, руҳий трансформациядир. Фақатгина қандай бор бўлса, шу ҳолида ўлишга, эртанги кун ҳақида фараз ҳам қила олмайдиган даражада ўзгаришга рози бўлганларгина мени тинглашга тайёрдирлар. Тинглаб сиз қайта туғилиш томон илк қадам қўясиз. Айтганларим бекиниш учун эмас, безовта саволларга юпатувчи жавоблар берувчи қуруқ моҳият ҳам эмас. Йўқ, менинг айтганларим сўзлар ўйини ёки жилогина эмас, ўлим ва қайта туғилишидир».

Ошо ўзининг танасини 1990 йил 19 январ куни тарк этди. (У ўлмади, тарк этди. Агар бунинг асл сирини билишни истасангиз, газетимизнинг кейинги сонларини ўқиб боринг). Ошо яратган оқим ҳамон турли мамлакатлардаги инсонларни ўзига жалб этмоқда. Бу коммуна дунёдаги энг катта руҳий камолот марказларидан бирига айланган.

Фирдавс МЕЛИБОЕВ
тайёрлади

НЕПАЛДА НОТИНЧЛИК

Непалдаги маочилар ҳаракати жангарилардан таркиб топган 3000 кишилик қуролли гуруҳ кеча Карнали вилоятининг пойтахти Жумла шаҳрини штурм билан қўлга олган.

Мамлакатнинг доимий армияси раҳбарининг сўзларига кўра, штурм вақтида икки томонлама отишмалар юз берган ва жанг туни билан давом этган. Ҳар икки томон ҳам кўплаб қурбонлар берган бўлиши мумкин. Ҳозирча ҳукумат қўшинлари таркибидан 34 нафар ҳарбийнинг ҳалок бўлгани эътироф этилган бўлса-да, бу рақам кейинги маълумотларда яна ортадиган кўринади. Чунки, отишмалар ҳануз давом этмоқда.

Шаҳарга ҳужум чоршанба куни якунланган умуммиллий қўзғолонларнинг давоми сифатида амалдаги конституцион монархияни ағдариб, коммунистик бошқарув шаклини ўрнатиш учун курашаётган уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилган.

УРАН ЙЎҚОЛАЁТГАНИ РОСТ

Россияда сўнгги 10 йил ичида атом қуролининг таркибий қисмлари, жумладан, уранинг "ғойиб" бўлиш ҳолатлари кузатилди, дея таъкидлади давлат атом ишлаб чиқариш раҳбари Ю.Вишневский. Москвадаги матбуот анжуманида айтилган бу сўзлар Россиянинг қурол-яроққа ишлатиладиган уранинг "йўқолиб туриши"га икрор бўлганини билдиради.

Унинг билдиришича, уран атом корхоналаридан граммлар миқдорида, ёқилғи сифатида ишлатиладиган тури эса, кичик килограммларда чиқиб кетади. Ва бундай корхоналар сирасига электростал ҳамда Новосибирскдаги кимё комбинатларини киритиш мумкин.

БАРАЕВНИНГ УСТОЗИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

23-26 октябрь кунлари Москвада кишиларни гаровга олиш билан боғлиқ террор ҳаракатларини режалаштириш ва амалга оширишда иштирок этган жангарилардан яна бири Чеченистонда ўлдирилди. Россия ички ишлар вазирлиги Привольже округи матбуот хизмати бошлиғи Игорь Софронов ўлдирилган одам узоқ муддат давомида Арби ва Мовсар Бараев каби дала қўмондонларининг яширин ишларида йўриқчи бўлганлиги, 2001-2002 йилларда федерал кучларга қарши террор хуружлари содир этганлигини тасдиқлади.

КИЕВДА ТАКСИ ПОРТЛАДИ

Украинанинг "Киев" аэропорти ҳудудига яқин жойда, жамоат транспорти бекатида йўналишдаги такси портлаб кетган. Йўл ҳаракати назорати ходимларининг дастлабки хабарига кўра, тўрт нафар йўловчи жароҳат олган.

Ушбу воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

ЖАКАРТАДА ХАЛҚАРО МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ

Индонезиянинг пойтахти Жакарта шаҳрида жойлашган бир қанча йирик халқаро мактаблар ёпиб қўйилди. Сабаби, ҳукумат ишончли манбалардан мамлакатдаги чет эл таълим муассасаларига қарши содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари хусусида хабар олган. Ота-оналар мактаблар фаолияти тўхтатилиши хусусида маҳаллий вақтга кўра ярим тунда огоҳлантирилган. Ҳозирда таълим муассасалари қачон ўз ишини давом эттириши ҳақида ҳеч қандай гап айтилгани йўқ.

ОШКОРА ЯШИРИН САЙЛОВ

Ҳа, Хитой компартиясининг марказий қўмитасига ўтказилган сайлов айрим кузатувчилар томонидан шундай талқин этилди.

Хитой компартияси XVI съезди Хитой телевидениеси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилиши билан бошланган эса-да у, "эфир ортида" якунланди. Яъни, янги марказқўмни сайлаш жараёнлари телевидение орқали намойиш этилмади.

Хитой компартиясининг XVI съездида асосий воқеа — делегатларнинг марказий қўмитанинг янги таркибига овоз беришлари бўлди. Марказий қўмита таркибига 198 нафар аъзо ва 158 нафар аъзоликка номзодлар қабул қилинди. Уларнинг 117 нафари ушбу орган таркибига илк бор қўшилди. Марказий қўмита таркибидан нафақат компартия бош секретари Цзян Цзямин, парламент раиси Ли Пэн ва ҳукумат бошлиғи Чжу Жунцзилар, балки партия қўмитаси сиёсий бюросининг бошқа доимий аъзолари ҳам чиқиб кетди.

Цзян Цзэмин ҳукуматдан кетган бўлса-да, ўзини мамлакат ва партиянинг бошқарув нуқталари билан боғлаб турувчи воситаларга эга. Ли Пэн ва Чжу Жунцзиларнинг даври эса, том маънода тугади.

Маълумотларга кўра, янги марказий қўмита аъзоларининг 20 фоиздан зиёдроғи 50 ёшга тўлмаган. 98,6 фоиз аъзолари ва номзодлар олий маълумотга эга, баъзиларида иккита мутахассислик бўйича дипломлар бор. Аёллар ва кичик миллат вакиллари 27 нафар аъзо ва 35 нафар аъзоликка номзодларни ташкил қилади.

Съезд якунлангач, Хитой сиёсий ҳукуматининг олдида бир савол юзага келди; "Ким Хитой армияси бош қўмондони бўлади, "атом тугмачали" чемоданга эгалик қилади?" (бу вазифаларни Марказий ҳарбий кенгаш раиси сифатида Цзян Цзямин бажараяпти).

Партия раҳбарлигини топширгач, Цзян Цзэмин Хитой халқ республикаси раиси лавозими билан ҳам хайрлашиши лозим. Лекин, юзлаб стратегик атом нуқталарига эга бўлган икки миллионлик армияни "Ёшлар" ихтиёрига бериб қўйишга шошилмаса, ажабмас.

Аксарият мутахассислар Цзян юқори ҳарбий лавозимни ўзида сақлаб қолишини башорат қилмоқда.

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ... МУМКИН

Жамиятда бир ниятли инсонлар бирлашиб, маълум доирада ҳаракат қиладиган бўлсалар, албатта, мурод ҳосил бўлади. Шубҳасиз, сизу биз эзгу мақсадлар йўлидаги ижтимоий ҳаракатларга ва шу ҳаракат иштирокчиларига елкадошмиз. Бузғунчи, тараққиёт кушандаси учун хизмат қиладиган ҳаракатлар ҳам борки, ҳар биримиз уларга нафрат билан қараймиз. Келтириб ўтганим иккинчи — салбий ҳодисалар сирасига, шубҳасиз, ёнғинлар юз бериши ҳам киради. Албатта, бирор-бир жойда ёнғин бевосита тарзда содир бўлмайди. Балки, қайсидир биримизнинг лоқайдлигимиз, бефарқлигимиз, қолаверса фақат ўзимизни, шахсий манфаатларимизни ўйлаб қиладиган нотўғри хатти-ҳаракатларимиз туфайли ёнғин офатига дуч келамиз.

Юқорида мен бежизга ижтимоий ҳаракат борасида тўхталиб ўтмадим. Айнан мана шу ёнғинларнинг олдини олишга ҳам кўпчилик бўлиб ҳаракат қиладиган бўлсак, улар сонининг кескин камайиб, балки умуман ёнғин орқасидан келадиган кўнгилсизликлар рўй бермаслигига эришишимиз мумкин. Бунда ҳеч бирингиздан ортиқча меҳнат ёки вақт сарф қилиш талаб этилмайди. Фақатгина эътибор ва оз бўлса-да, орият бўлса бўлгани. Яъни қўни-қўшнимиздан, атрофимиздагилардан уялганимиздан бўлса-да, хазонлар ёки ахлат уюмини ёқмасак, бир нохушликнинг олдини олган бўламиз.

Худди ана шу каби ёнғинга қарши ҳаракатларимизни кучайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 660-сонли фармойишига асосан шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача республикамизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Олдимизда қиш. Шу ўринда совуқ, аёзли кунларда турли хил қўлбола электр ёки газ мосламаларидан фойдаланиш ҳам ўзимиз учун, ҳам бошқалар учун зарарлигини, қолаверса мазкур ойликка зид ҳаракат эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хуллас, "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да ҳар биримизнинг фидокорона иштирок қилишимиз инсоний бурчимиз эканлигини унутмасак бўлгани.
